АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2002 йил 17 ДЕКАБР сешанба № 50 (306) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

«ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ» ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

2003 йилнинг мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан маҳалланинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқаруви тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг муҳим органи сифатида тутган ўрни ва ролини ошириш билан боғлиқ масалаларни амалий ҳал этиш заруратини инобатга олиб:

1. «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси тузилсин.

2. «Обод маҳалла йили»га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларнинг комплекс дастурини тайёрлаш Республика комиссиясининг асосий вазифаси деб ҳисоблансин.

— Мазкур дастур қуйидаги устувор йўналиш ва вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим: маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тузилма сифатида тутган ўрни ва ролини аниқлаш; мазкур институтнинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқарув тизимида ўз ўрнини эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратиб берадиган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

маҳалланинг ҳуқуқий мақоми ва унинг ҳокимият тизими - туман ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ва нодавлат тузилмалари, шу жумладан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳуқуқий муносабатларини белгилаб берувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш; бу борадаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, маҳалла ва юқорида зикр этилган органларнинг ваколат ва масъулиятларини, маҳалланинг фуқаролик ҳокимияти институти сифатидаги ҳуқуқий мақомини, маҳалла қўмиталарининг штатларини ва ташкилий тузилмасини қатъий белгилаб берадиган янги қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

маҳалланинг моддий ва молиявий асосларини, бюджетини (даромад ва харажатлари), мазкур маблағларни сарфлаш ҳамда ўз балансидаги асосий фондлардан фойдаланиш ҳуқуқи белгилаб берилишини кўзда тутган ҳолда, унинг ҳуқуқий мақомини аниқ маъно-мазмун билан тўлдириш юзасидан танқидий таҳлил ўтказиш; маҳалланинг хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо, бизнес, аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларни спортга жалб этиш борасидаги ҳуқуқлари ва амалий ролини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

— маҳалланинг маънавий соҳадаги, ахлоқий тарбия ва энг яхши миллий анъаналарни мустаҳкамлашдаги ўрнини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Маҳалла ва унинг тузилмалари томонидан аҳолига анъанавий урф-одатлар, тўй-маъракалар, дафн маросимлари ва бошқа тадбирларни ўтказишда ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш бўйича унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, умуман мамлакат аҳолисининг муайян тоифаларига молиявий-моддий ёрдам кўрсатиш ва қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун маблағ ажратиш топиш, унинг манбаларини аниқлаш Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига топширилсин:

а) кам таъминланган оилалар, қаровчиси бўлмаган кекса фуқароларга, шунингдек, ёш оилаларга амалдаги пенсия ва нафақа пулларидан ташқари қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш;

б) ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, тозалаш, ободонлаштириш, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўчалар, коммунал хизмат тармоқларини яхши ҳолатда сақлаш;

в) маҳалла гузарлари ва аҳолининг кундалик турмуш эҳтиёжларига хизмат қиладиган бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш;

г) маҳалла инфратузилмаси иншоотларини молиялаштириш ва қуришда тижорат тузилмалари, жамоат бирлашмалари ҳамда жамғармаларининг имкониятларидан фойдаланиш.

4. Комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддат ичида «Обод маҳалла йили» дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

Шу муддат ичида республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси анъанавий удумлар, тўйлар, дафн маъракалари ва бошқа миллий маросимларни замон талабларига жавоб берадиган тарзда, ихчам ҳамда тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган аниқ амалий таклифлар ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим этсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур дастур пировард натижада аҳолининг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишга, унинг жойлардаги жамоа бўлиб яшаши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, фуқаролик институтлари, фуқаролик ҳокимияти тизимини барпо этишда маҳалланинг ўзини ўзи ташкил этиш ва бошқариш даражасини юксалтиришга хизмат қилиши зарур.

5. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Ҳудайбергенов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 16 декабр.

Қиш зийнати

Kuchli davlatdan kuchli fuqarolik jamiyati sari

ШАРҚОНА ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

Истиқлолнинг эркинлик сиёсати туфайли мамлакатимиз ижтимоий сиёсий ҳаётида беқиёс ўзгаришлар рўй бермоқда. Чунки биз танлаган йўл, барпо этаётган жамиятимиз умумжаҳон цивилизациясига давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги халқаро андозалар, меъёрларга, бошқа халқлар тажрибасига уйғун бўлиб, миллий анъаналаримизга таянади. Бу борада маҳалланинг аҳамияти ўзига хосдир.

Манбаларда қайд этилишича, маҳалла шарқона демократиянинг мумтоз кўриниши бўлган экан. Яъни қадим замонларда мамлакатимиз ҳудудида ўзини ўзи бошқариш тизими маҳалла тарзида амалга оширилган. Мутахассисларнинг эътироф этишларича, маҳалла усулида ўзини ўзи бошқаришнинг ўзига хос афзалликлари бўлган. Айниқса, бу жиҳатлар ҳамжиҳатлик, жамоатчилик фикрининг устуворлиги, одат ва анъаналарни ҳурмат қилиш ва уларга итоат этишда яққол намоён бўлган. Ўзаро ишонч, адолат туйғусининг намоён бўлиши ушбу демократиянинг асосий мезонлари ҳисобланган. Демак, маҳалла шарқона демократия мактабининг бешиги сифатида маълум ва машҳур бўлган.

Шуни мамнуният ва эҳтиром ила таъкидлаш жоизки, миллий истиқлол иноятти туфайли бундай анъана ва қадриятлар янгича мазмун билан бойитилмоқда. Жумладан, маҳалла жойлардаги ўзини-ўзи бошқарув тизимининг таянчи сифатида фаолият юрита бошлади. Бинобарин, маҳаллага фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарувининг ноёб шакли сифатида конституциявий мақом берилди. **"Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан маҳалла яна жамиятимизнинг сиёсий ҳаёт саҳнасига кўтарилди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда маҳаллий ҳокимият ўзини-ўзи бошқариш органлари шаклида амалга оширилмоқда. Яъни, маҳалла зиммасига давлат ҳокимияти идоралари бажариб келган вазифалар босқичма-босқич юклатиб келинмоқда.**

Мазкур қонун қабул қилинганидан буён фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бажараётган вазифалар ҳамда ваколатлар доираси изчил равишда кенгайтириб бориляпти. Бошқача айтганда, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" деган дастурни амалга оширишда маҳалла бошқарувнинг таянч поғонаси тарзида бевосита иштирок этмоқда.

Ушбу дастурга асосан маҳаллаларнинг наинки ўз ҳаётини, балки бутун жамият ҳаётини бошқариш ҳамда ташкил этишда иштирок этиш имконияти янада кенгайдики, бу фуқаролик жамияти тамойиллари талабларига тўлақонли жавоб беради.

Янги таҳрирдаги **"Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"**ги Қонуннинг 1-моддасида таъкидланишича, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишини тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

Демак, маҳалла ўз ҳудудидаги муаммоларни (ваколатлари доирасида) мустақил ҳал қилиш имкониятига эга бўлди.

Ушбу қонуннинг 4-моддасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тамойиллари (демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни очишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам)нинг алоҳида кўрсатиб ўтилгани бу тизимнинг истиқболига катта ишонч билан қаралаётганидан дарак беради.

Кези келганда яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Янги таҳрирдаги мазкур қонуннинг 7-моддасига асосан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимидан ажратилди. Демак, маҳалла маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил равишда кўриб чиқади ва ҳал этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилади. Жумладан, ўз фаолият дастурини, харажатлар сметасини, ҳудудини ялпи ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришга қаратилган тадбирлар режасини тасдиқлаш, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш, тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш юзасидан тавсиялар бериш, йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг маҳалла фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этиш ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Энг муҳими, бу ваколатлар демократик тамойил ва мезонлар асосида коллегиал тарзда амалга оширилади. Маҳалла ўзининг мана шу жиҳатлари билан халққа ниҳоятда яқин туради. Юртбошимиз Асосий Қонунимизнинг 10 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек, **бизнинг ҳаётимизни тебратадиган шундай соҳа борки, уни ҳеч қандай қонун ёки расмий ҳужжат билан чегаралаб, белгилаб бўлмайди.**

Бу соҳа бевосита одамларнинг маънавияти, руҳий дунёси, мафкуравий онги, тафаккури билан боғлиқдир. Бу муносабатларнинг барчаси ғоят ўзига хос, сирли бир олам.

Бундай муносабатларни фақатгина расмий йўл билан, қонун ва фармонлар билан белгилаб бериб бўлмайди.

Маҳалланинг аҳамияти ва ўрни ҳақида гапирганда, инсоннинг, оилаларнинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда маҳалладек идорага тенг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ.

Дарвоқе, маҳалла ҳақли равишда халқаро миқёсида фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ўзбекона мўжизаси, деб эътироф этилмоқда. Зотан, маҳалла шундай бир сехрли оламки, унинг бағрига қандай кириб борганлигинги ўзинг ҳам сезмай қоласан. Қаърига қанчалик кириб борганинг сайин у оҳанграбодек ўзига мудом чорлайверади.

Ижтимоий қадриятлар макони, шарқона демократия мактабининг бешиги бўлган маҳалланинг истиқболи порлоқ эканлигини эшик қоқиб келаётган янги йилнинг "Обод маҳалла йили", деб эълон қилинишида ҳам кўриш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги дастлабки тажрибаларнинг маҳалла тизими орқали намоён бўлаётганлиги демократиянинг истиқболидан дарак беради.

Хусан ИБРОҲИМОВ

Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ ўнинчи сессияси ўз ишини якунлади.

* * *

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 13 декабр куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Алан Ларсонни қабул қилди.

* * *

Швециянинг пойтахти Стокгольм шаҳрида 2002 йилги Нобель мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Адабиёт ва фаннинг турли соҳалари бўйича 12 нафар кишига бу юксак мукофотлар топширилди. Улар мукофотни анъанага кўра Швеция қироли Карл ХУI Густав қўлидан олдилар.

Адабиёт бўйича мукофот ва 1 миллион долларга яқин пул маблағи бу йил 73 яшар венгер ёзувчиси Имре Кертесга насиб этди. У ўз асарларида фашизмнинг инсоният бошига келтирган фожиаларни ёрқин акс эттирган. Жумладан, у Освенцим лагерида ўз бошидан кечирган даҳшатли воқеаларни тасвирлаган.

Америкалик Раймонд Дэвис, Ривардо Жаккони ва японлик Масатоши Кошиба физика бўйича, америкалик Жон Фенн, швейцариялик Курт Вютрих ва японлик Койчи Танака химия бўйича, америкалик Сидни Бреннер, Роберт Горвиц ва англиялик Жон Салстон медицина бўйича, исроиллик Даниэл Канеман ва америкалик Вернон Смир иқтисодиёт соҳасидаги мукофотларга сазовор бўлдилар. Сал илгарироқ Тинчликни таъминлаш борасидаги Нобель мукофоти АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картерга топширилган эди.

* * *

Европарламентнинг кенгайтирилган йиғилишида бутун Евроосиё қитъасида темир йўлларнинг кенглигини бир хил қилиш зарур, деган фикрга келинди. Маълумки, Россия ва Хитой темир йўллари Европа қитъасидаги йўлларидан 17 сантиметр кенг. Бу икки мамлакат темир йўлларининг жами узунлиги Европадаги йўлларидан бир неча баробар узун бўлганлиги учун Россия стандартларига ўтиш мақбул деб топилди. Бундай кенгликдаги йўл ётқизиш мосламалари Европада бўлмаганлиги сабабли қитъадаги темир изларни қайта қуриш Россия мутахассисларига топширилади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Диний-сиёсий экстремизм ва терроризмга қарши Тошкент резолюцияси: уч йил ўтгач" мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.

* * *

Россия иқлимшуносларининг маълум қилишича, Россияда бу йилги қиш анчагина совуқ бўлади. Декабр ойининг ўртача ҳарорати Москва минтақасида меъёрдагидан 10-15 даража, Ёқутистонда эса 25 даража совуқроқ келди. Ҳозиргидек совуқ ҳаво фақат 1978 йил декабрида қайд этилган эди. Аёзлар бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Хабаровск вилоятида 2 кечакундузда 60 дан ортиқ ёнғин чиқди. Кечалари 30 даражадан ошаётган совуқ одамларни турли хил иситиш мосламаларидан фойдаланишга мажбур қилмоқда. Электр симлар ва қувурларнинг музлаши оқибатида аҳолини иссиқ сув ва электр билан таъминлаш ҳам қийин кечмоқда.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги жазони ижро этиш бошқармасида «Амнистия тўғрисида»ги Президент Фармонининг тегишли идоралар томонидан сифатли таъминланиши масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

Компьютерларнинг хотираси ва тезлиги тобора ортиб бораяпти. Микропроцессорлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳоннинг энг йирик фирмаси "Интел"нинг раҳбарларидан бири Пэт Гелсингернинг сўзларига қараганда, 2010 йилгача, 15 гегагерцлик тезликка эришилади. Муқояса учун айтиш лозимки, "Рентиит-II" 400 мегагерц, "Интел"нинг энг сўнгги маҳсулоти бўлган "Рентиит-IV" эса 3 гегагерц тезликка эга. 2010 йилгача портатив компьютерлар тезлигини ҳозирги 400 мегагерцдан 5 гигагерцга етказиш мўлжалланмоқда.

Diqqat: muammo!

БОҒЛАРГА ЧАНГ СОЛАЁТГАН БАЛО

У КАРАНТИН ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЁРДАМИДА БАРТАРАФ ЭТИЛИШИ МУМКИН

Бундан икки-уч йил олдин Хоразм воҳаси боғдорчиликни ривожлантириш юзасидан бир талай хайрли ишлар амалга оширилдики, натижада вилоятда кўплаб янги боғ-роғлар бунёд этилди. Лекин ачинарли томони шундаки, ушбу тадбирдан айрим ноинсоф "ишбилармонлар" ҳам фойдаланиб қолишди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, айрим кимсалар вилоятга "шарқ мевахўри", "Калифорния қалқони" деб аталмиш хавфли касалликлар билан зарарланган бир неча ўн минг туп мевали дарахт кўчатларини яширин ҳолда олиб келиб, хўжаликларга сотиб юборишди. Бундан хабар топган вилоят ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ҳодимлари мутасаддиларни зарарсизлантирилмаган дарахт кўчатларини экишдан огоҳ этиб, уларга ниҳолларни вақтида дорилаш (яъни фумигациялаш)нинг аҳамиятини батафсил тушунтиришди. Бироқ ушбу огоҳлантиришларга ҳам биров эътибор берди, биров йўқ... Натижада огоҳлантиришга қулоқ солганлар ютди, эътиборсизлик қилганлар эса доғда қолди.

Шундай қилиб, **"Ўсимликлар карантини тўғрисида"**ги Қонун талабларига риоя этмаган баъзи хўжаликлар анчагина зарар кўрди. Мазкур қонунда четдан келтирилаётган ёки чиқарилаётган ўсимликлар ҳамда улардан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари турли хил хасталиклар ва эҳтимол тутилган эпидемиологик хавфга қарши дориланиб, эмланмоғи зарурлиги аниқ-равшан баён этилганига қарамай, айрим нафси ҳакалак отган "учар ишбилармон"лар уни назар-писанд этишмади. Улар узоқ ўлкалардан келтирилган ўсимликларни Хоразмнинг ўзига хос табиий-иқлим шароитига мослаштириш, турли хил касалликларга бардош бериши учун, албатта, дорилаш тадбири зарурлигини ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмади. Натижада кўплаб хўжалик ва боғ эгалари бир неча миллион сўм ҳажмида зиён кўришди. Албатта, бу ўринда уларнинг ўзлари ҳам айбдор. Чунки нархига учиб, сўрамай-нетмай кўчат сотиб олаверишган. Қонунга ўз вақтида амал қилишганда эди...

Очиғини айтиш керак, бой берилган ҳушёрлик, йўл қўйилган озгина эътиборсизлик ҳам пировардида катта йўқотишга сабаб бўлиши мумкин. Хўш, юртимизда гужум деб аталмиш жаннатий дарахт тури нега йўқолиб бормоқда? Бунинг сабаби кундай равшан. Машъум иккинчи

(Давоми иккинчи бетда)

Taajjub

"ХУСУСИЙ КОРХОНА ФОЙДАСИГА 3.622.637 СЎМ УНДИРИЛСИН..."

Тошкент шаҳар хўжалик суди ана шу тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида шартнома интизомига риоя этиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ана шу оддий ҳақиқатни яхши англаган корхона мутасаддиларигина ўз олдиларига қўйган мақсадга тўла-тўкис эришишлари мумкин. Акс ҳолда...

Тошкент шаҳридаги "Руслан Шамшади" хусусий корхонаси ҳамда "Пок Акс" масъулиятини чекланган жамияти ўртасида 2001 йилнинг 1 февралида ижара шартномаси тузилиб, унга биноан белгиланган муддатда масъулияти чекланган жамият хусусий корхона ҳисобига 2.483.809 сўм ўтказиши лозим эди. Аммо аввал-бошда иш шартномада қайд этилганидек бўлмади. Бошқача айтганда, муддат ўтавергани сайин маблағдан дарак бўлмади. Ҳатто шартнома имзоланганидан сўнг 10 кун муддатда тўланиши лозим бўлган ижара йиллик ҳақининг 15 фоизигинасини тўлаш ҳам қайси маънодадир "Пок Акс" масъулияти чекланган жамият раҳбарлари "ёдидан кўтарилган"дек кўринди.

Бир сўз билан айтганда, иш ана шу қабилда пайсалга солина бошлади.

Аммо бугунги куннинг тадбиркори ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билади. Агар эҳтиёж туғилса, ўз ҳақ-ҳуқуқини қонун нуқтаи назаридан ҳимоя қилади. Хусусан, "Руслан Шамшади" хусусий корхонасидагилар ҳам масъулият чекланган жамиятдан асосий қарз ҳамда тўлов кечиктирилганилиги учун 1.138.828 сўм (жами 3.622.637 сўм)ни ундириб беришни сўраб Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат қилишди. Мазкур ишни ҳар томонлама ўрганиб чиққан хўжалик суди жорий йилнинг октябрида даъвогарнинг талабларини тўла қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Масъулияти чекланган жамият мутасаддиларининг мавжуд қонун-қоидалар, хусусан, корхона тақдирига бевосита дахлдор бўлган шартномаларга муносабати кишини ажаблантиради. Чунки улар шартномани бажариш тугул, ҳатто у бўйича кўрилаётган низоли ишда қатнашишни ҳам ўзларига эп билишмади...

Камола СОИПОВА,
ҳуқуқшунос

Obuna — 2003

ҲАМКОРЛИК — ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ

Йил охирлагани сайин барча соҳаларда ўзига хос ҳисоб-китоб мавсуми — ҳисобот топшириш палласи бошланади. Таҳририятимиз фаолияти ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Ҳар бир соҳа фаолиятини бирор-бир жараён белгилаб берганидек, таҳририятларда муштарийлар билан кечадиган доимий алоқа муҳим аҳамият касб этади. Яна бир гапни айтиш жоиз: таҳририятда ҳам йил охирлаган сайин ўзига хос сарҳисоб ўтказилади. Яъни, йил бошида белгилаб олинган режалар қай даражада амалга оширилди, таҳририят ва газетхон ўртасидаги муносабат қай тарзда кечди, нималар уддаланди-ю, қайси вазифа бажарилмай қолди, каби саволларга жавоб қидирилиб, улар батафсил таҳлил қилинади. Ҳар бир таҳририятнинг фаолияти бевосита фуқароларнинг мактуб ва мурожаатлари асосига қурилар экан, ҳеч бир таҳририят бундай алоқанинг узилиб қолишини истамайди.

Шу боис йил якунида бўладиган сарҳисоб жараёнида бу ҳолат асосий эътиборда бўлади. Шу ўринда таҳририят ва газетхон ҳамкорлиги ўзига хос тарзда амалга ошиб боришини унутмаслик лозим. Яъни газетхон газетага обуна бўлиб ёки уни сотиб олиб, таҳририят фаолияти тўхтамаслигини таъминласа, таҳририят фуқаронинг мактуб ёки мурожаати асосида мақола ёритиш билан бевосита газетхонга хизмат қилади. Бу икки томонлама ҳаракат натижасида эса ҳар икки томон қайсидир жиҳатдан манфаат кўради. Энг муҳими, газетамизда ҳуқуқий мавзудаги мақолаларнинг мунтазам бериб борилиши фуқароларнинг ҳуқуқий ва маънавий дунёқарашини бироз бўлса-да, шакллантираётган бўлса, бу таҳририятнинг ўз мақсадига эришганини англатади. Шу маънода айтиш жоизки, бирон-бир фуқаро таҳририят ёрдамида кўзлаган муддаосига эришган бўлса, биз бундан ғоятда бахтиёрмиз. Бу — масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи жиҳати шундан иборатки, "қарс" ҳар доим икки қўлдан чиққан. Шундай экан, таҳририят ўз навбатида мамлакатимиздаги етакчи ҳуқуқий нашрлардан бири бўлган "Инсон ва қонун" газетасига обуна бўлишга чорлайди. Ўйлаймизки, таҳририят ва газетхон ҳамкорлиги 2003 йилда ҳам давом этади.

Diqqat: muammo!

БОҒЛАРГА ЧАНГ СОЛАЁТГАН БАЛО

У КАРАНТИН ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЁРДАМИДА БАРТАРАФ ЭТИЛИШИ МУМКИН

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ушбу ҳашорат туфайли ўтган 40-45 йил мобайнида воҳаликлар учун азалдан "кондиционер" вазифасини ўтаб келган арғувон, гужум дарахтларидан деярли ном-нишон қолмади. Киши қулочи етмас улкан гужумларни илма-тешик қилган қўйи еб битирган бу зараркунанда ҳашорат энди тол, терак, тут, ҳатто олма дарахтларига ҳам таҳдид солмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бошқа зараркунандалар сингари "Сибир мўйловдори"га қарши карантин назоратини ўрнатиш вазифасини ҳам шу ишга мутасадди халқаро ташкилот ўз зиммасига олган. Демак, муаммо биргина Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари билан ечим топмаслиги аниқ. Бу борадаги курашга ушбу зараркунандадан азият чеккан бошқа давлатлар ҳам бош қўшса ва халқаро миқёсдаги ҳамкорлик йўлга қўйилсагина муаммони ечишнинг оқилона йўллари топилиши мумкин. Афсуски, ҳозирча мутасаддилар сукут сақлашдан нарига ўтишмаётир...

— Аслида шўро даврида ҳам ана шу зарарли ҳашоратга қарши курашиш лозимлигини мутасаддилар яхши билишган. Улар ҳашоратнинг ўзга юртлардаги дов-дарахтларнинг шафқатсиз кушандасига айланишини ҳам, унга қарши кураш воситалари мавжудлигини билишса-да, эътибор беришмади. Тўғриғи, «ёт» ўлкага ичи ачишмади. Чунки уларга бунинг қизиғи йўқ эди. Энди вазият мутлақо ўзгарди. Ўсимлик ва унинг маҳсулотлари хавфсизлиги, дахлсизлиги давлат назоратида. Истиқлол йилларида мамлакатнинг ўсимлик карантини, навчилик, уруғчиликка оид қатор қонун ҳужжатлари яратилди. Бу эса ўз навбатида тизимимиз фаолиятини тубдан такомиллаштириш, ҳаракат миқёсларини кенгайтириш, назорат тадбирлари самарадорлигини ошириш гаровига айланди. Гап фақат фаолият ва масъулиятда қолди, — дейди вилоят ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи Султонбой Қаландаров.

Дарҳақиқат, эндиликда ўсимликлар ва уларнинг маҳсулотларида учрайдиган генетик-насл касаллиги ва эпидемиологик вазиятнинг у билан боғлиқ ҳолда бузилиши оқибатлари учун карантин инспекцияси ва унинг мутасаддилари жавобгар. Шу сабабли инспекциядагилар четга юборилаётган ёки олиб келинаётган ўсимлик ва маҳсулотларнинг яроқлилик даражасини аниқлаб бериш билан фаол шуғулланишаяпти. Айни пайтда мавжуд вазиятларни ўрганиш ва назорат тадбирларини ҳушлаштириш ҳам бошқош бўлишаяпти. Мақсад — баён этилган аянчли хатоларга йўл қўймасликдан иборат. Биргина шу йилнинг ўзида назорат йўли билан 26 минг 500 гектардан зиёд майдондаги ўсимликлар ҳамда 113 та омборхонада сақланаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўзиёқ амалга оширилаётган ишларнинг кўламини яққол кўрсатади. Бу каби тадбирлар тарқалиши мумкин бўлган турли хил касалликларнинг олдини олишга қаратилгани билан янада эътиборлидир.

Сирасини айтганда, деҳқоннинг меҳнати ҳамиша эъзозланмоғи, мўл даромад турмушини безамоғи, рўзғорини бутламоғи, қадоқ қўллари яратган ноз-неъматлардан эса бутун эл баҳраманд бўлмоғи лозим. Агар хавфнинг олди олинмаса, курашиш чораси кўрилмаса, ўсимлик ва уларнинг маҳсулотларида учрайдиган зараркунандалар, касалликлар, бегона ўтлар бу каби оliжаноб ниятнинг рўёбига жиддий тўсқинлик қилиши ҳеч гап эмас. Бинобарин, бунга ҳамиша жиддий ёндашмоқ ҳаётий заруратдир.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида фермер хўжаликлари, аҳоли хонадонларига қарашли 7649 гектар майдондаги дала, боғ ва томорқа пайкалларида зараркунандалар, 4234 майдонда ўсимлик касалликлари, 7090 гектар майдонда бегона ўт уруғларининг тарқалиш ҳолати назоратдан ўтказилди. Асосий эътибор эса нав синаш, илмий тадқиқот муассасалари далалари, кўчат-наслчилик питомниклари, уруғлик заҳиралари ва хориждан келтирилаётган навлар ҳамда уруғликларга қаратилди. Бунинг боиси шундаки, карантинга оид хавф-хатар кўпроқ айнан шу манбалардан тарқалади. Назорат тадбирлари асосида ўсимлик ва уларнинг маҳсулотларидан олинган 1640 та намунага нисбатан шубҳа уйғонди. Натижада улар лабораторияга текширувидан ўтказилди. Сўнгги йилларда вилоятда бедапояларнинг зарпечак билан зарарланиши фактлари қайд этилаяпти. Бу ҳолат шубҳасиз инспекция раҳбариятининг эътиборини ўзига жалб этди. Натижада воҳадаги 13 та уруғ тозалаш электромагнит қурилмаларининг ҳаммаси карантин назоратига олинди. Шу каби тадбирларни амалга ошириш юзасидан тегишли давлат ва хўжалик ташкилотлари, ширкатлар билан шартномалар тузилиб, ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Инспекциядагиларнинг шубҳаланганича бор экан. Ўтказилган текширишлар давомида вилоятнинг 25 та хўжалигида "комсток қурти", 4 та иссиқхонада «цитрус куяси», "оқ қанот" аталмиш зараркунандалар, 65 та хўжаликнинг далаларида ингичка пояли "зарпечак" ҳамда "какра" деб номланган бегона ўт уруғлари урчиганлиги маълум бўлди.

Карантин ўчоқларининг кўпайиш хавфи олиб келинаётган ва четга юборилаётган ўсимлик ҳамда унинг маҳсулотларини синчиклаб текширишни тақозо этади. Инспекция шу мақсадда жорий йилнинг ўзида воҳага келтирилаётган 193,3 минг тонна ва хорижга жўнатилаётган 52 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати ва истеъмолга яроқлилиги бўйича ўз хулосаларини берди. Айни пайтда шубҳали туюлган 9611 тонна ҳажмдаги маҳсулотлар турли ҳашорат ва касалликларга қарши зарарсизлантирилди. Булар **"Ўсимликлар карантини тўғрисида"**ги ва бошқа таллуқли қонунлар доирасида амалга оширилган ишларнинг бир қисми, холос.

Энди тизим фаолиятини такомиллаштириш ва уни халқимиз манфаатларига йўналтириш билан боғлиқ айрим муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Гап шундаки, карантин инспекциясининг бошқа назорат маҳкамалари билан ўзаро ҳамкорлигини меъёр ва маромга солувчи ҳужжатларда камчилик ва ноаниқликлар бисёр. Аниқроқ айтсак, ўсимликлар карантинига оид тадбирларни ҳар бир маҳкама ўзича амалга ошираяпти. Зарур ҳолларда шу соҳага ихтисослашган карантин назорати маҳкамаси хулосалари эса бир четда қолиб кетмоқда. Қолаверса, ходимларнинг чекланган штат таркиби ҳам кўплаб муаммоларга сабаб бўлаётир. Хориждан келтирилаётган маҳсулотларни бозорларга чиқариш масаласини инспекция иштирокида ҳал этишга ҳам деярли эътибор йўқ десак, хато эмас. Бу борада бозорларнинг маъмурияти зиммасидаги масъулиятни оширишни ўйлаб кўриш фурсати аллақачон етган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулотлар хусусий тартибда олиб келинаётгани ва жўнатилаётгани, бунда асосий эътибор назорат ва карантин хавфсизлик чораларига эмас, балки шахсий манфаатдорликка қаратилаётгани ҳам ғоят ачинарлидир.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, тилга олинган мавзу бўйича муаммолар етарли. Баён этилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун бу борада аввало етарли ҳуқуқий асослар ишлаб чиқиш лозим. Ана шу қонунларга қатъий риоя этиш эса, бундан-да муҳимдир. Зеро, халқ манфаатини кўзлаган қонунни қабул қилиш ва унга риоя этиш муаммони ечишнинг энг оқилона йўлидир.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Talab va taklif

МАЪМУРИЙ ИМТИЁЗ

У ТЕГИШЛИ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига давлатимиз иқтисодиёти таянчи, фаровон ҳаёт манбаи деб қаралаётгани бугун ҳаммага бирдек аён. Унинг тараққиёти учун кенг кўламдаги шарт-шароитлар яратиб берилаётгани ҳам бунинг исботидир. Хусусан, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, бошқарма ходимлари шаҳардаги туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталарига бириктиртирилиб, тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар моҳиятини тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боришмоқда.

Бугунги кунда шаҳар миқёсида йирма беш минг беш юз ўн саккизта хўжалик юритувчи субъектлар ва қирқ беш минг тўрт юз олтмиш уч нафар якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар давлат рўйхатидан ўтказилиб, фаолият юритиб келаяпти. Лекин, айтиш жоизки, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар жараёнида улар фаолиятида айрим муаммолар мавжудлиги аён бўлиб қолди.

Маълумки, шаҳар ҳокимининг "Савдо ҳуқуқи ҳамда алкогол ичимликлар ва пиво, шунингдек, тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун лицензия йиғимини ундириш ва рухсатномалар бериш тартиби ҳақидаги Низомларнинг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Савдо ҳуқуқи учун маҳаллий йиғимни ундириш, рухсатномалар берувчи рухсатномаларни бериш тўғрисида"ги Низомнинг 3-боби, 2-бандида савдо ҳуқуқи учун чакана савдонинг ҳар бир иншоотига алоҳида рухсатнома берилиш кўзда тутилган. Бунда тадбиркор ҳар бир соҳа ҳуқуқини олиши учун алоҳида ариза ва бошқа тегишли ҳужжат тақдим қилиши лозим. Яъни, улар ҳар бир рухсатнома учун алоҳида (масалан, савдо ҳуқуқи ва спиртли ичимликлар) йиғим тўлаб келишмоқда.

Шунингдек, мазкур Низомнинг 2-боб, 4-бандида савдо ҳуқуқи учун рухсатнома бир йил муддатга берилиши (келаси йилдан уни узайтириш) кўзда тутилган. Тадбиркор эса муддат узайтирилган вақтда белгиланган тўловларни яна тўлаш ва тегишли ҳужжатларни ҳар йили топшириб, савдо ҳуқуқи олишга мажбур бўлмоқда. Шунинг учун барча савдо ҳуқуқини бериш ваколатини туман ҳокимиятлари тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш бўлимларига бериш лозим, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга баъзи тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг ҳам ойлаб, ҳатто йиллаб савдо рухсатномасини ололмасдан иш бошлаши ҳоллари учраётир. Айримларининг ҳатто рухсатнома ололмасдан фаолиятини тугатишга мажбур бўлишаётгани ушбу рухсатномани муддатсиз бериш лозимлигини тақозо этмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорларга қулайлик яратиш ва уларнинг тадбиркорлик гувоҳномаларини олгандан сўнг дарҳол фаолият бошлаши учун ушбу рухсатномаларни бир жойда, яъни давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимларида ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга яна бир неча ҳолатлар тўсқинлик қилаётганини таъкидлаш лозим. Уларни ўз вақтида бартараф этиш эса тадбиркорлар фаолиятини янада юксалтиришга хизмат қилади. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш, ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори 3-банди ва туман ДСИ тақдимномасига асосан шаҳар савдо хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти касса интизомини бузгани учун айрим тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бир ойдан бир йил муддатгача тўхтатиб қўймоқда. Натижада солиқ ва бошқа бюджет тўловларини тўлаш ҳамда касса режаси бажарилмай қолмоқда. Шунингдек, бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқи ҳамда уларга оид ҳужжатлар ва тегишли ер участкаларига эгалик ҳуқуқи учун ҳужжатлар ҳар йили топшириб, савдо ҳуқуқи олишга мажбур бўлмоқда. Шунинг учун барча савдо ҳуқуқини бериш ваколатини туман ҳокимиятлари тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш бўлимларига бериш лозим, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга баъзи тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг ҳам ойлаб, ҳатто йиллаб савдо рухсатномасини ололмасдан иш бошлаши ҳоллари учраётир. Айримларининг ҳатто рухсатнома ололмасдан фаолиятини тугатишга мажбур бўлишаётгани ушбу рухсатномани муддатсиз бериш лозимлигини тақозо этмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорларга қулайлик яратиш ва уларнинг тадбиркорлик гувоҳномаларини олгандан сўнг дарҳол фаолият бошлаши учун ушбу рухсатномаларни бир жойда, яъни давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимларида ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга яна бир неча ҳолатлар тўсқинлик қилаётганини таъкидлаш лозим. Уларни ўз вақтида бартараф этиш эса тадбиркорлар фаолиятини янада юксалтиришга хизмат қилади. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш, ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори 3-банди ва туман ДСИ тақдимномасига асосан шаҳар савдо хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти касса интизомини бузгани учун айрим тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бир ойдан бир йил муддатгача тўхтатиб қўймоқда. Натижада солиқ ва бошқа бюджет тўловларини тўлаш ҳамда касса режаси бажарилмай қолмоқда. Шунингдек, бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқи ҳамда уларга оид ҳужжатлар ва тегишли ер участкаларига эгалик ҳуқуқи учун ҳужжатлар ҳар йили топшириб, савдо ҳуқуқи олишга мажбур бўлмоқда. Шунинг учун барча савдо ҳуқуқини бериш ваколатини туман ҳокимиятлари тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш бўлимларига бериш лозим, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга баъзи тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг ҳам ойлаб, ҳатто йиллаб савдо рухсатномасини ололмасдан иш бошлаши ҳоллари учраётир. Айримларининг ҳатто рухсатнома ололмасдан фаолиятини тугатишга мажбур бўлишаётгани ушбу рухсатномани муддатсиз бериш лозимлигини тақозо этмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорларга қулайлик яратиш ва уларнинг тадбиркорлик гувоҳномаларини олгандан сўнг дарҳол фаолият бошлаши учун ушбу рухсатномаларни бир жойда, яъни давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимларида ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга яна бир неча ҳолатлар тўсқинлик қилаётганини таъкидлаш лозим. Уларни ўз вақтида бартараф этиш эса тадбиркорлар фаолиятини янада юксалтиришга хизмат қилади. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш, ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори 3-банди ва туман ДСИ тақдимномасига асосан шаҳар савдо хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти касса интизомини бузгани учун айрим тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бир ойдан бир йил муддатгача тўхтатиб қўймоқда. Натижада солиқ ва бошқа бюджет тўловларини тўлаш ҳамда касса режаси бажарилмай қолмоқда. Шунингдек, бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқи ҳамда

Nuqtai nazar

ШАРТНОМА – ҚУРУҚ ҚОҒОЗ ЭМАС!

Аввало шуни айтиш керакки, мамлакатимизда бугунги аёзли кунларда айрим ҳудудлар аҳолиси кундалик ҳаётида газ ва чироқнинг тез-тез ўчиб ёки ўчирилиб туришидан қийналишади. Тўғри, фуқаролар солиқлар, маҳаллий йиғимлар, шунингдек, истеъмол қилинаётган сув, электр энергияси, газ учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари шарт. Чунки сув, электр, газ, алоқа воситалари ва бошқа маиший таъминотлар юзасидан ҳам истеъмолчи билан таъминотчи ўртасида тегишли шартнома тузилади. Мазкур шартномаларда истеъмолчи билан таъминотчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзаро ҳуқуқий жавобгарликлари ҳамда бошқа муҳим шартлар акс эттирилади. Мазкур шартномаларга мувофиқ, бошқа муҳим шартлардан ташқари истеъмол қилинаётган электр энергияси ёки газ учун белгиланган ўлчамлар юзасидан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаса, электр ёки газ билан таъминлаш тўхатилиши мумкин.

Баъзан таъмирлаш ишлари муносабати билан айрим ҳолларда эса номаълум сабабларга кўра газ, электр энергияси ва бошқа таъминот воситалари ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ўчирилиб туриладиган пайтлар ҳам тез-тез учраб туради. Оқибатда турмуш жиҳозлари бўлган иситгич, телевизор ва бошқа маиший, техника буюмларининг тез-тез шикастланиши, ҳатто куйиб кетиши ҳоллари ҳам учрайди. Шунинг учун тегишли шартномаларда бу томонлари ҳам кўрсатилиши, келишилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки бунинг натижасида кўриладиган моддий зарарни қоплаш масаласи ҳам очиқ қолмаслиги лозим. Бунинг учун эса шартлашган ҳар икки тараф масалага жиддий эътибор бериш лозим бўлади. Масалан, газнинг кутилмаганда ўчирилиб, кутилмаганда қайта берилиши оқибатида қандай ҳодиса рўй бериши барчага маълум. Шунинг учун электр ва газ таъминоти ўчириб қўйилмасдан олдин истеъмолчиларни оммавий ахборот воситалари ёки радио-телевидение орқали огоҳлантириш керак бўлади. Агар аҳоли газ, телефон ёки чироқ бўлмаслиги тўғрисида олдиндан огоҳлантирилса, ана шу шароитга мос чора-тадбирларни кўриб қўйишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, шартнома тузмоқчи бўлган ҳар қандай шахс, аввало, унда белгиланган шартлар билан тўлиқ танишиб чиқиши, агар эътирози бўлмаса, имзо қўйиши лозим. Лекин шартнома тузилдими, унга ҳар икки томон, албатта, амал қилиш шарт. Мабодо шартлар бажарилмаса, шартномада белгиланган тарзда чора кўрилади.

Тельман ДАУЕКЕЕВ,
ҳуқуқшунос

Қиш забтига олган далалар...

Noinsoflik

ХАК КАРОР ТОПДИ, АММО...

Ўтган йилнинг декабр ойлари эди. Термиз туманининг Учқизил қўрғонида туман ҳокими қарорига асосан қўқаламзорлаштириш ойлиги бошланди. Тумандаги барча корхона, ташкилотлар йўл ёқаларига турли хил қўчатлар экиш тараддудига тушишди. "Учқизилкимётаъминот" ҳиссадорлик жамияти ҳам ўзига беркитилган ҳудудда кўчат ўтказиши лозим эди. Корхона вакиллари кўчат олиш мақсадида якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркор Озода опа Панжиевага учрашишди. Шу ўринда Озода опа ҳақида бир оғиз изоҳномароқ маълумот бериб ўтиш лозим. Тақдир тақозоси билан у серфарзанд оиланинг ёлғиз паноҳига айланди.

Муштипар онаизорнинг бошига рўзғор ташвишлари тушди. Устига устак, икки нафар талаба фарзанди шартнома асосида тахсил олмоқда. Рўзғор тебратишнинг ўзи бўлмаслигини сезгач, бир парча ер олиб, якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланда бошлади. Уйдаги фарзандлари унга қанот бўлишди. Ёнига кириб, биргаликда арча кўчатлари парваришини йўлга қўйишди. Бу орада Озода опа оғир хасталикка чалиниб, ноғирон бўлиб қолди. Лекин у барча қийинчиликларга мардонавор чидади. Фарзандларига йўл-йўриқ кўрсатиб, кўчат етиштирди. Уни сотиш эвазига рўзғорнинг кам-кўстини тўқиллади.

Учқизиллик кимёгарлар кўчат олмоқчи эканликларини айтганда, бажонидил рози бўлди. Узаро тузилган шартномага мувофиқ арча кўчатларини кимёгарларга етказиб берди. Ҳар икки томон ўз ишларининг ўнгидан келганидан хурсанд эди. Кимёгарлар бир миллион 40 минг сўмлик 1300 дона арча кўчатларини ғайрат билан йўл ёқаларига экиб чиқишди. Аммо кўчатларнинг пулини тўлашни "унутиб" қўйишди.

Шундан сўнг кўчатлари ҳақини ундириш учун ҳар куни кимётаъминот корхонаси раҳбарларига қатнайвериб, тадбиркор оёқдан қолди. Бу орада бир йил давомида корхонада икки марта раҳбар ўзгарди. Биринчиси кўчат ҳақини тўламай кетган бўлса, иккинчиси "ким олган бўлса, ўша тўласин", дея туриб олди.

Ўртада сарсон бўлган Озода Панжиева охири вилоят адлия бошқармасига мурожаат этди. Шундан кейингина лафзсиз харидор қарзини бўйнига олди ва тадбиркорга қарз эвазига бир қисм молмулкини берди. Бироқ қолган 807 минг 759 сўм қарзни тўлашни яна орқага сура бошлади. Иш фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига бориб етди. Суд ҳайъати барча тўпланган ҳужжатларни батафсил ўрганиб чиқиб, якка тадбиркор Озода Панжиева фойдасига "Учқизилкимётаъминот" ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 807759 сўмлик, асосий қарз 121160 сўмлик жарима, 20 минг сўмлик моддий зарарни ундириш тўғрисида ўзининг ҳал қилув қарорини чиқарди. Мазкур судда тадбиркорни сарсон қилган яна бир лафзсиз харидор — "Учқизилтаъминотбаза" корхонасига тегишли иш ҳам кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, ушбу корхона ҳам Озода опадан 286 минг сўмлик кўчат олиб пулини тўламай юрган экан. Суднинг ҳал қилув қарори билан якка тадбиркор Озода Панжиева фойдасига "Учқизилтаъминотбаза"си ҳисобидан 286000 сўмлик асосий қарз, 143000лик сўм жарима, 100 минг сўмлик моддий зарар ундириб бериладиган бўлди. Шу тарика адолат қарор топиб, лафзсиз харидорлар мулзам этилиб қолишди. Лекин кўра-била туриб ночор эир оиланинг қадоқ қўллари билан етиштирган кўчатларини олиб, ҳақини тўламасдан сарсон-саргардон этган корхона раҳбарларининг инсофсизлиги одамни ўйлантириб қўяди. Беихтиёр бошқаларга ҳам инсоф тилаш баробарида қонун ёрдамини эслаб, хотиржам тортасан киши.

Баходир ЧОРШАНБИЕВ,
ҳуқуқшунос

УЧ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТ

Shartnoma qonunchiligi

Хусусий мулкка асосланган бозор тамойиллари ҳаётимизга чуқурроқ кириб бораётгани боис кейинги йилларда иқтисодий муносабатларнинг тури ва кўлами кенгайиб бормоқда. Хусусан, шартнома қонунчилиги ҳам йилдан-йилга такомиллашаётир.

Шартнома қонунчилигида кўпчилик ҳолларда икки томоннинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги акс этиб, бир томонлама маҳсулот етказиб берувчи, иккинчи томондан эса уни қабул қилиб олувчи муносабатга киришади. Лекин айрим ҳолларда баъзи соҳаларда уч томонлама шартнома тузиш ҳам талаб этилади.

Мисол учун "Ўзпахтасаноат", "Ёғмойтамакисаноат" уюшмалари тизимидаги корхоналар ҳамда бошқа пахта хомашёси етказиб берувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида ана шундай муносабат талаб этилади. Боиси, етказиб берилган пахта хомашёси учун белгиланган тартибда ҳақ тўлашдан ташқари бу маҳсулотни саноат йўли билан қайта ишлаш натижасида олинадиган пахта истеъмол ёғи, шелуха ва кунжара хўжаликларга қайтарилиши зарур. Чунки давлат буюртмасини бажарган ва бажармаганлигидан қатъи назар қишлоқ хўжалиги корхоналари таркибидаги ички хўжалик шартномасини бажарган оилавий пудратчи ва бошқа ички хўжалик бўлинмаларига пахта истеъмол ёғи, шунингдек, давлат эҳтиёжлари учун харид ҳажмларидан ортиқча тайёрланган пахта хомашёсидан олинган маҳсулотлар тўлиқ ҳажмда хўжаликлар ихтиёрида қолдирилиши тартиби давлат томонидан белгиланган.

Адлия идоралари томонидан шу йўналишдаги шартномавий муносабатларнинг қонунийлиги ва томонларнинг шартнома интизомига риоя қилиниши батафсил ўрганиб чиқилди. Бу борада расмийлаштирилган 20 мингга яқин шартномаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги корхоналарига пахта ёғи, шелуха ва кунжарани имтиёзли нархларда етказиб бериш юзасидан тузилган юзлаб шартномалар қонунга хилоф равишда тузилган.

Масалан, "Урганч ёғ", "Қарши ёғ экстракция", "Косон ёғ экстракция" очиқ ҳиссадорлик жамиятларида маҳсулот етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар **"Хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонун талабларига жавоб бермайди. Уларда етказиб бериладиган маҳсулотнинг нархи, шартноманинг умумий суммаси, шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари, тарафларнинг банк реквизитлари кўрсатилмаган. Айримлари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан ижрога қаратилган.

"Фарғона ёғ-мой" очиқ акциядорлик жамияти томонидан тузилган шартномаларнинг аксарият қисмида мажбуриятлар бажарилмаганда томонларнинг моддий жавобгарликлари аниқ кўрсатилмаган. "Бухоро ёғ" акциядорлик жамияти томонидан тузилган шартномаларда эса маҳсулотларни етказиб бериш муддатлари аниқ кўрсатилмаган.

"Гулистон экстракт ёғ" акциядорлик жамияти томонидан 1400 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартномаларда техник чигитни етказиб бериш мажбурияти асоссиз равишда мазкур корхоналар зиммасига юклатилган.

Шартномаларнинг қонунларга зид равишда тузилганлиги оқибатида давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси етказиб бериш юзасидан контрактация шартномасини бажарган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пахта ёғи, шелуха ва кунжарани ўз вақтида имтиёзли нархларда харид қилиш борасидаги қонуний ҳуқуқлари поймол этилган.

Бундай шартномалар адлия ходимларининг аралашуви билан қайта тузидирилиб, қонун талабларига мослаштирилди. Лекин "Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналарда адлия идоралари томонидан қанчалик қонуний таъсир чоралари ўтказилаётганлигига қарамасдан, ҳанузгача шартномалар номигагина тузилиши давом этмоқда. Мажбуриятлар бажарилмаганлиги етмагандай, қонун талаблари қўпол равишда бузилишига йўл қўйилаётир. Хўжаликлар томонидан пул маблағлари олдиндан ўтказиб берилаётган бўлсада, уларга тегишли маҳсулотлар етказиб берилмасдан, сансалорлик ҳоллари содир этиляпти.

Мисол учун "Сурхонозиқовқатсаноат" ҳиссадорлик жамиятининг Қизириқ туманидаги 55 та фермер хўжаликларидан 8 миллион сўмга яқин муддати ўтган кредиторлик қарзлари мавжуд бўлса-да, уларга имтиёзли нархларда берилиши лозим бўлган маҳсулотлар эгаларига шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаган.

Олтинсой туманидаги "Соғлом авлод" фермер хўжалиги ҳам 2002 йил март ойида 130 минг сўм маблағни ўзига тегишли маҳсулотларни олиш учун жамият ҳисоб рақамига ўтказиб берган. Лекин у кутган маҳсулотларни ўз вақтида олмаган.

Адлия идоралари томонидан "Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналарда давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси етказиб бериш юзасидан контрактация шартномаларнинг тузилиши ва бажарилишини ўрганиш қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан уюшма тизимидаги корхоналарга юқоридаги каби қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиш ва айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чоралар кўриш юзасидан 24 та тақдимнома киритди. Натижада шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига сабабчи бўлган 22 нафар айбдор мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Уюшма тизимидаги корхоналар томонидан шартнома мажбурияти бажарилмаслиги оқибатида қонуний ҳуқуқлари бузилган ўндан ортиқ фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб 7,5 миллион сўмлик моддий зарарларни ундириш ҳақида судларга даъво аризалар киритилиб, шахсан айбдорларнинг чўнтакларидан маънавий зарарлар ундириб олинди.

Жиззах туманидаги "Ғуломжон-Ё" фермер хўжалиги 929.176 сўмлик, Пахтакор туманидаги "Алимамат" фермер хўжалиги 921.176 сўмли маблағларни амалдаги тартибда белгиланган имтиёзли нархларда олиши лозим бўлган пахта ёғи, шелуха ва шрот маҳсулотлари учун олдиндан ўтказиб қўйган бўлса-да, шартномада белгиланган муддатларда ушбу маҳсулотларни ололмаган Адлия бошқармасининг ўз вақтида қонуний кўрган чоралари натижасида ва судларга киритилган даъво аризаларни судларда кўрилиб одилона қарорлар қабул қилиниши натижасида деҳқонларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланди.

Ўтказилган ўрганишлар жараёнида баъзи ширкат хўжаликларда пахта хомашёсини етказиб бериш юзасидан тузилган ички хўжалик шартномасини бажарган оила пудратчиларга тегишли бўлган пахта ёғи, шелуха ва шротни уларга тегишли қисмини етказиб бериш ва имтиёзли нархларда таъминлашда ҳам қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

Масалан, Бухоро вилояти, Бухоро туманидаги А.Шокиров номидаги ширкат хўжалигидаги 187 нафар оила пудратчининг 147 таси пахта хомашёси етказиб беришдаги шартнома мажбуриятини бажариб, иккиламчи маҳсулотларни имтиёзли нархларда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлишган. Ширкат хўжалиги томонидан "Бухоро ёғ" акциядорлик жамиятидан уларга тегишли бўлган 30,2 тонна пахта ёғи, 160,4 тонна шрот, 125,5 тонна шелуха олинган. Вилоят адлия бошқармаси томонидан ушбу олинган маҳсулотларнинг оила пудратчиларга тақсимланиши ўрганилганда, ширкат хўжалиги рахбарлари томонидан бу маҳсулотларни эгаларига берилмасдан, турли суиистеъмолликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Мазкур ҳолат бўйича айбдорларни тегишли жавобгарликка тортиш юзасидан вилоят прокуратурасига таклиф киритилди.

Баён этилгани сингари хато ва камчиликларга барҳам бериш мақсадида бугунги кунда "Пахта хомашёсини саноат йўли билан қайта ишлаш натижасида олинган пахта истеъмол ёғи, шелуха ва кунжарани хўжаликларга қайтариш тартиби ҳақида"ги Низом ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди. Эндиликда "Ўзпахтасаноат", "Ёғмойтамакисаноат" уюшмалари тизимидаги корхоналар, туман ҳокимликлари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, туман иқтисодиёт ва статистика бўлимлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллари ушбу Низом асосида ўз иш фаолиятларини тартибга солиши мақсадга мувофиқдир.

Таваккал ИМОМОВ,
ҳуқуқшунос

Tahlil

МУАММОНИНГ ИЛДИЗИ

Уни қаердан излаш керак?

Фарғона водийсидаги деҳқон бозорларини кузатган киши бир килограмм картошканинг ўртача баҳоси 200 сўм эканига гувоҳ бўлади. Бу эса бошқа қишлоқ хўжалиги экин турларига қараганда анча қимматдир. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Бу саволга жавобан шуни айтиш жоизки, картошка бошқа деҳқончилик маҳсулотларига қараганда кўпроқ истеъмол қилинади. Қолаверса, ҳозирги пайтда картошка истеъмолчилар талабини қоплай олмаяпти. Бир сўз билан айтганда, картошкачилик мамлакат қишлоқ хўжалиги оқсоқ соҳаларидан бири бўлиб қоляпти. Ушбу фикрни исботлашдан олдин Наманган в

ҲУҚУҚИЙ АДОЛАТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Huquqiy ma`rifat

Суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онгини шакллантириш жараёни фақат юридик таълим ёки маълумот билан чегараланиб қолмайди. Бу жараёнга ижтимоий муҳит ва муносабатларнинг ҳам ўзига яраша таъсири бор.

Суд ходимлари қонун ижодкорлиги жараёнининг фаол иштирокчиси ҳамда қонун ижросини амалиётга татбиқ этувчи субъекти ҳисобланади. Чунки инсон тақдирини ҳал қилишда ҳал қилувчи сўзни судьялар айтади. Амалиёт шуни кўрсатадики, суд ходимларининг касбий ҳуқуқий маданиятининг пастлиги ёки уларда касбий деформациянинг юзага келиши қонун ва унинг ижросини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Натижада бегуноҳ шахслар бекорга жиноий, маъмурий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортилиши мумкин.

Суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онгини шакллантириш жараёни қандай амалга оширилади?

Маълумки, ҳар бир касб эгаси ўз касбини пухта эгаллаши учун унинг касбий онги етарли бўлиши керак. Ўз касбини яхши билиш дегани ўз устида тинмай ишлаш натижасида ўша касбнинг сир-асрорларини, унинг ўзига хос нозик томонларини яхши билиш демакдир. Суд ходимлари ҳам, бошқа касб эгалари каби касбий ҳуқуқий онгга эга бўлиши керак. Бу бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онги сифатининг шакллашишини назарий жиҳатдан ўрганиш касбий ҳуқуқий онгнинг бизга номаълум қирраларини очиб беради ва суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онги шакллашишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни ўрганиб, уларни ечиш йўлларини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Юриспруденция соҳасидаги назариётчи олимлар ҳуқуқий онгни ўрганишга икки томонлама ёндашади.

Биринчиси — индивид, гуруҳ ва жамоанинг ҳуқуқий онгини ўрганиш; иккинчиси — махсус юридик маълумот ва ҳуқуқий онгга эга бўлган мутахассис шахсларнинг ҳуқуқий онгини ўрганиш, иккинчи тоифадаги шахслар ўзларининг кундалик фаолияти давомида касбий ҳуқуқий онгини бойитиб, ўстириб боради. Бундай тоифадаги шахсларга суд ходимлари ҳам киради.

Бу ўринда нима учун "касбий" деган атамани ишлатяпмиз? Бу атамага турлича изоҳлар берилган. Лекин суд ходимларининг касбий фаолиятидан келиб чиқиб қўллайдиган бўлсак, бу атама мазмунини қуйидагича тушунсак бўлади. Яъни ўз касбини сифат жиҳатдан юқори даражада эгаллаб олган шахс деганидир. Суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онги деганда эса ўз касбини сифат жиҳатдан юқори даражада эгаллаб олган ва айнан ўша фаолият билан мунтазам шуғулланадиган кишилар онги назарда тутилади.

Шунинг учун суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онги, бошқа касб эгаларининг касбий ҳуқуқий онгидан бутунлай фарқ қилади. Чунки касбий ҳуқуқий онгга эга бўлган суд ходими фақат махсус юридик билимлар эгаси бўлиб қолмасдан, бу билимларни ўз амалий фаолиятида тўғри қўллаб оладиган мутахассис ҳамдир.

Мамлакатимизда ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳуқуқшунос мутахассислар, айниқса, суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онгига ҳам ўзига хос таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, Олий Мажлис томонидан 2001 йил 29 августда қабул қилинган қарорга асосан жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни қабул қилингани бу борада муҳим қадам бўлди. Бу суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онгига ўз таъсирини кўрсатиши табиийдир. Чунки бундан буён жиноят содир қилган шахслар илгаригидек жиноий жавобгарликка тортилмайди, балки қилмишининг оғир-енгиллигидан келиб чиқилган ҳолда, баъзиларига нисбатан маъмурий жавобгарлик билан чегараланиб қолиш мумкин. Бундан ташқари, ушбу қонун томонларнинг ярашишганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги 66-модда билан тўлдирилди.

Мазкур қонунда томонларнинг ярашишига бағишланган қатор моддалар берилган бўлиб, уларга асосан, томонларнинг ярашуви жиноий жавобгарликдан озод қилинишига асос бўлади.

Бундай ўзига хос қонуннинг қабул қилинишида халқимизга хос миллий анъаналар ҳам ҳисобга олинган. Чунки "томонларнинг ярашуви" тушунчаси бизда қадим-қадимдан мавжуд бўлиб, бундай ишлар маҳалла оқсоқоллари, ёши улуғ инсонлар томонидан амалга оширилган. Лекин бу жараёнда суд ходимлари иштирок этмаган. Тўғрироғи, бу жараён расмий тус олмаган. Бугунги кунга келиб эса бундай ишлар қонун даражасида ҳал қилинадиган бўлди.

Суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онги мазмун жиҳатидан юксалаётганини қуйидагиларда ҳам кўриш мумкин. Содир этилаётган жиноятлар таркиби унча қаттиқ бўлмаган жазолар моддасига қайта квалификация қилинаётгани; жиноий ишларни кўриб чиқиш босқичлари ўзгараётгани; айблашнинг алоҳида пунктлари олиб ташланаётганида ва ҳоказо.

Суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онги тушунчаси нафақат касбий ҳуқуқий онгни, шунингдек, касбий ҳуқуқий маданиятни ҳам қамраб олади. Яъни эндиликда суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онги уларнинг юридик фаолияти мазмунини белгилайди. Ҳуқуқий таълим эса касбий юридик фаолиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Касбий ҳуқуқий онгга эга бўлган суд ходимларига хос характер (хислат) шундан иборатки, улар касбий ақлий меҳнат билан банд бўлади. Бундан ташқари, қонун ижодкорлигида ҳам бевосита иштирок этади. Суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онгининг мазмун жиҳатдан юксалишида уларнинг ишдан кейинги фаолияти ҳам муҳим ўрин тутади. Суд ходими ҳуқуқшунос сифатида дахлсиздир. Судьялар суд ҳокимияти ижрочиси сифатида дахлсиздир. Судья тегишли идораларнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоқда сақланиши; мажбурий олиб қолиниши мумкин эмас. Дахлсизлик эса, албатта, инсоннинг касбий ҳуқуқий онгига таъсир қилади, чунки ҳуқуқ соҳасида қонун доирасида фикрлаш қонун ижросини бевосита таъминлашга ёрдам беради. Шунинг учун Ўзбекистонда демократия даражаси - халқимизнинг қонун ва қарорларни қабул қилинишидан хабардорлиги, суд ходимларининг жамиятни бошқаришдаги бевосита ва билвосита иштироки билан белгиланади. Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси ҳисобланадиган қонун устуворлиги тамойилини таъминловчилар - суд ходимларидир.

Суд ходимлари касбий ҳуқуқий онгини шакллантиришнинг ўзига хос яна бир томони шундаки, улар ўзларининг хатти-ҳаракати, ҳуқуқий онги, маданияти билан фуқароларда "одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжини туғдиради". Суд ходимлари томонидан қонунларни бузиш, унга итоат қилмаслик, қонунларни турли йўллар билан айланиб ўтишга уринишлар ҳуқуқий демократик давлатни обрўсизлантиришга қаратилган хатти-ҳаракат деб тушунилмоғи керак. Чунки уларнинг бундай хатти-ҳаракати бошқа фуқаролар, айниқса, ёшларда қонун ва унинг ижросига бўлган ишончни йўқотади. Суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онгини шакллантириш уларнинг бевосита психологиясига ҳам боғлиқ. Президентимиз "Биз одамларнинг эскича психологиясини ўзгартириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантирмоғимиз лозим. Шундай бўлсинки, ҳар бир киши инсон эркинликлари айни вақтда муайян бурч, мажбурият ва масъулият эканлигини чуқур ҳис этиб турсин", деб таъкидлаган эдики, бу фикр бевосита суд ходимларига ҳам тааллуқлидир.

Касбий юридик таълимнинг тўғри йўлга қўйилиши, бўлғуси мутахассисларни тайёрлаш сифатига ҳам таъсир қилиши ҳеч кимга сир эмас. Масалан, касбий юридик таълим берадиган, илмий даражага эга бўлган юристлар мамлакатимизда кам. Бу соҳада бор-йўғи 50 га яқин фан доктори, 200 га яқин фан номзоди бор, холос. Шундай экан, бугунги кунда профессионал юристлар тайёрлаш, суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онгини юксалтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Касбий ҳуқуқий онги юксак бўлган суд ходимларининг дунёқарашида, фикрлаш тарзида ўзига хослик мавжуд. Бу ўзига хослик жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган. Қонун устуворлигини таъминлаш эса суд ходимларининг ўзаро жипслигини, ҳуқуқий онгдаги ўзаро яқинликни юзага келтиради. Бизнингча, касбий ҳуқуқий онгни қуйидаги йўналишларда ўрганиш керак бўлади. Биринчиси — ҳуқуқнинг аниқ бир йўналиши бўйича суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онгини, фикрлашини назарий жиҳатдан юксалтириш ва суд ходимини ушбу йўналиш бўйича профессионаллаштириш; иккинчиси — уларни касбий ва амалий тажрибаси нуқтаи назардан профессионаллаштириш; учинчиси — уларни ўз назарий билимларини амалий фаолиятида қўллай олиши нуқтаи назаридан профессионаллаштириш. Бу учта йўналиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини бойитади, тўлдиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онги бир кун, бир ой ёки бир йилда шаклланадиган жараён эмас, балки бу тинимсиз меҳнат, чуқур фикрлаш, энг асосийси, мунтазам ҳуқуқий билимларга эга бўлиб боришни талаб этади ва зарур кўникма ҳамда амалий тажриба талаб қилади. Бу жараённи амалга ошириш фақат суд ходимларига эмас, балки мавжуд ижтимоий муҳитга, одамларнинг қонунга нисбатан итоаткорлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Суд ходимларининг касбий ҳуқуқий онгини юксалтириш жараёнини ўрганиш суд ходимларининг амалий фаолиятида юзага келиши, учраши мумкин бўлган турли тўсиқларни бартараф қилишнинг шакл ва усулларини тўғри танлашда қўл келади.

Шунингдек, бу иш қонунларни тўғри талқин қилишга, қонун ижросини тўғри таъминлашга ҳам ёрдам беради. Қонунларни тўғри тушуниб, уларнинг ижросини тўғри талқин қилиш ва аъло даражада ижро этиш жараёнларининг барчаси суд ходимларининг амалий фаолиятида касбий ҳуқуқий онги орқали ўз ижроси ва тасдиғини топади.

Ҳуқуқшунос ходимларининг касбий жиҳатдан кенг маънодаги мутахассислашуви нафақат ҳуқуқни тартибга солиш амалиётига, балки, шунингдек, уларнинг амалий фаолиятида назарда тутилмаган тўсиқларнинг юзага келиши олдини олиш, бартараф этишга ҳам ижобий таъсир қилади.

А. ҲАМРОЕВ,
ТДЮИ докторанти

КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Muloqot

Таҳририятимизга фуқаролардан кўплаб мактублар келади. Уларнинг ичида ҳар хил саволлар битилганлари ҳам анчагина. Бу мактубларда фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб беришимизни сўрашган. Ана шундан келиб чиқиб, "Сўранг — жавоб берамиз" рукнини ташкил этганмиз. Ушбу рукнда ҳуқуқшуносларнинг саволларга берган жавоблари ёритиб борилади. Сирдарё вилояти, Шароф Рашидов туманидаги "Ғалаба" фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммад ОЧИЛОВнинг саволлари асосида ёзилган қуйидаги мақолада ҳам ана шундай ҳамкорлигимиз натижасидир.

— Контрактация шартномаси нима?

— Контрактация шартномаси лойиҳасини хўжаликларга (агар улар турли вилоятларда бўлсалар ҳамда шартнома тузишга рози бўлсалар) почта орқали ҳам юбориши мумкин. Хўжалик раҳбари 7 кун мобайнида шартномани имзолаши ва уни тайёрловчига қайтариши лозим.

— Контрактация шартномаси бўйича хўжаликка қандай мажбуриятлар юклатилади?

— Ушбу шартнома бўйича хўжаликлар:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига (қабул қилувчига) шартномада назарда тутилган маҳсулотлар турларида, тегишли сифат ва муддатларда сотиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчининг бевосита хўжаликдаги топшириш-қабул қилиш пунктига ўз вақтида тайёрлаб бериш ёки уни келишилган график бўйича тайёрловчининг қабул қилиш пунктларига олиб келиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини топшириш-қабул қилиш бўйича барча ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва маҳсулот топширишга қўйиладиган бошқа талабларга риоя қилиш мажбуриятларини бажаришлари лозим бўлади.

— Тайёрловчининг мажбуриятлари нималардан иборат?

— Контрактация шартномаси бўйича тайёрловчилар қуйидаги мажбуриятларни бажарадилар:

- тақдим этилган барча маҳсулотни шартномада назарда тутилган муддатларда харид қилишлари ва узлуксиз равишда қабул қилиб олишни таъминлашни ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотини бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилиб олишни ҳамда ўзининг транспорти воситаси билан келишилган график бўйича ташиш;
- харид қилинаётган маҳсулотнинг сифатини аниқлаш, маҳсулот учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш;
- тайёрланадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш, транспортда ташиш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлашда унинг нобуд бўлишини мумкин қадар қисқартириш;
- хўжаликларни шартнома асосида идиш, ўраш материаллари ва мъёрий техник ҳужжатлар билан таъминлаш;
- маҳсулот, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳар бир турини етиштиришнинг ўзига хослигига мувофиқ муддатларда сотилганда маҳсулотларнинг шартномада назарда тутилган қийматининг ҳамда 25 фоизи (доннинг 40 фоизи)дан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида аванс тўлаш.

— Маҳсулотни юклаш (ортиш) харажатлари ким томонидан тўланади?

— Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини юклаш харажатлари хўжалик томонидан амалга оширилади.

— Маҳсулотни ташиш, жўнатиш ва тушириш харажатлари ким томонидан тўланиши керак?

— Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ташиш, жўнатиш ва тушириш бўйича харажатлар тайёрловчи зиммасида бўлади.

— Маҳсулот хўжалик транспортида етказиб берилса-чи?

— Бундай ҳолларда тайёрловчи хўжаликка маҳсулотни ташиш харажатларининг ҳақиқий вазин бўйича (идишни ҳам қўшиб) қоплайди.

— Томонлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар қандай тартибда амалга оширилади?

— Белгиланган тартиб-қоидаларга асосан хўжаликлар ва тайёрловчилар ўртасидаги ҳисоб-китоблар тайёрловчи томонидан хўжалик топширган маҳсулот қийматини унинг шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб, махсус ҳисоб-китоб ёки махсус ссуда счётига ўтказиш, чеклар билан тўлаш орқали амалга оширилади.

— Ҳисоб-китоблар қанча муддатда амалга оширилиши мумкин?

— Қоидага кўра, маҳсулот қабул қилиб олингандан сўнг ҳисоб-китоблар уч календарь кунидан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Агар-да тайёрловчи ёки унга хизмат кўрсатувчи банк муассасаси турли жойларда жойлашган бўлса, бундай ҳолларда ҳисоб-китоблар маҳсулот қабул қилиб олинганидан сўнг беш кундан кечиктирилмай амалга оширилиши керак.

Жавобларни ҳуқуқшунос Акбар НАБИРАЕВ тайёрлади.



Сумалак жозибаси

Ijro mas`uliyati

СУД ҚАРОРИ: у қачонгача қоғозда қолади?

Ҳаётда қувонч билан ғам-ташвиш бақамти келар экан. Буни гоҳо тақдирнинг битиги, дея ўзимизни овутамиз. Кўпинча эса бошга тушган ташвишларнинг сабабини ўзгалардан қидирамиз. Афсуски, бунга баъзан асос ҳам топилади. Ҳаётда киши билиб-билмай хато қилиши мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам, инсоннинг кўнгли нозик. Айниқса, аёлнинг...

Моҳира ишдан бўшатилгани боис меҳнат жамоасидан ажралиб, уйда қамалиб ўтирган эди. Тўсатдан онаси бандаликни бажо келтирди. Бундан хиёл илгарироқ, ишга қайта тиклашларини сўраб, судга даъво ариза ёзганди. Бироқ азадор бўлгани учун суд мажлисига боролмади. Судда унинг вакили — адвокат иштирок этди.

Энди гапни сал олдинроқдан бошласак, Моҳира Шарипова "Пахтабанк" Бошқаруви раисининг 2001 йил 6 августдаги 71-сонли буйруғи билан "Пахтабанк"нинг Навоий вилояти, Кармана бўлими бошқарувчиси вазифасига ишга тайинланади. Бироқ орадан кўп вақт ўтмасдан, "Пахтабанк" бошқаруви раисининг 2002 йил 17 июндаги 60-сонли буйруғига кўра, амалдаги Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 4-бандига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод қилинади. Бунга "Пахтабанк" бошқарувининг 2002 йил 3 июндаги 16-сонли қарори асос қилиб олинади.

Шундан сўнг М.Шарипова ишга тиклаш, ноилождан бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириб беришни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманлараро судига даъво ариза ёзади. Шу йилнинг 30 сентябр куни бўлиб ўтган суд мажлиси ишга қайта тиклаш ҳақида қарор чиқаради.

Шунингдек, қарорда "Пахтабанк"дан даъвогар фойдасига ноилождан бекор юрган вақтлари учун, яъни жорий йилнинг 17 июнидан 30 сентябрига қадар ўртача иш ҳақи тўлиқ ундирилиш қайд этилган.

— Адолат юзага чиқди, деб ўйлагандим, — дейди Моҳира Шарипова. — Ахир, ҳал қилув қарорида мени ишга тиклаш ва фойдамга иш ҳақи ундириш ижрога қаратилсин, дейилган. Бироқ натижаси кўринмаяпти...

Хўш, аслида нима бўлганди? Ёки Моҳира Шарипова нега ишдан бўшатилди? Бунинг сабаби нима билан изоҳланади?

"Пахтабанк" Бошқарувининг Навоий вилоят бошқармасида шу йилнинг 3 июнида ўтказилган сайёр йиғилишининг мажлис баёни билан танишсангиз, воқеа тўлиқ ойдинлашади. Гап шундаки, Адлия вазирлиги ходимлари "Пахтабанк"нинг Навоий вилояти бошқармаси филиалларида кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганишган. Бошқарувнинг сайёр йиғилишида ана шу ўрганишда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф қилиш муҳокама этилади.

Шу ўринда фикримиз аниқ бўлиши учун йиғилиш қарорининг 3-бандини тўлиқ келтирамиз: "Филиаллар фаолиятида ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит ажратишни расмийлаштиришда йўл қўйилган жиддий хато, камчилик ва тартиб бузарликлар учун Кармана филиали бошқарувчиси М.Шарипова... эгаллаб турган лавозимидан озод қилинсин ва у билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинсин".

Маълумки, Олий Суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелда қабул қилинган **"Судлар томонидан меҳнат шартнома (контракти) ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларни қўллаш ҳақида"**ги 12-сонли қарорининг 20-банди, 2-қисми талабига кўра, меҳнат шартномасини Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 2-қисмининг 3 ёки 4-бандлари асосида бекор қилиш интизомий чора саналади. Меҳнат муносабатларини бекор қилишда интизомий чораларни қўллаш белгиланган муддатлардагина бажарилиши лозим. Яъни интизомий жазо бир ой ичида кўрилиши керак. Шуларга асосан фуқаро М.Шариповага 2002 йилнинг 26 майидан кечиктирилмай интизомий жазо қўлланилиши лозим эди. Лекин бу ерда ана шу қонун талаблари бузилади.

Фақат шугина эмас. Меҳнат Кодекси 100-моддасининг 3-қисми талаблари ҳам "Пахтабанк" бошқаруви раҳбарияти томонидан инобатга олинмайди. Негаки, иш берувчининг ташаббуси билан ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсиз пайтда меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл қўйилмайди. М.Шариповани ишдан бўшатишаётган пайтда у шифохонада даволанаётган эди. Начора, қонун — қонун-да! Унинг олдида ҳамма тенг.

(Давоми тўртинчи бетда)

"ЛОТОРЕЯ ЎЙНАШ ХАТОМИ?"

Таҳририсиз мактуб

Мен шу йил 10 май куни "Қувасой воқеа" масъулияти чекланган жамиятининг 0532750-рақамли "Омад қувончи" лотереяси чиптасини сотиб олиб, 65-тиражнинг 21-турида 44210 сўм пул ютуғи соҳиби бўлдим. Қувончим теримга сиғмай дарҳол жамиятнинг Тошкентдаги филиали идорасига мурожаат этдим. У ердагилар ютуғни олишим учун 5 июл куни идорага келишим лозимлигини тайинлашди. Ўша куни борсам, у ердагилар хазинасида маблағ йўқлиги, ютуқ пулини август ойида олишим мумкинлигини айтишди. Август ойида ҳам бир неча марта борган бўлсам-да, натижа бўлавермади. Бунинг устига у ерда менга ўхшаган "қисматдош"ларнинг санаб адоғига етиш мушкул эди. Ниҳоят, 28 август куни бу ҳақда Мирзо Улуғбек туман прокуратурасига мурожаат қилдим. Бироқ у натижасиз қолдирилди. Эшитишимча, бу орада "Омад қувончи" лотереяси ўз фаолиятини тўхтатган эмиш. Қизиқ, "Қувасой воқеа" МЧЖнинг бу "ҳунари" фирибгарлик эмасми? Уларга бу ҳуқуқни ким берган? Мен каби ютуғини олмай юрганларнинг додини ким эшитади? Ёки лотерея чиптасини сотиб олиб, хато қилдикми?

Баҳодир АҲМЕДОВ,
Тошкент шаҳри

АҚШ: МАРШАЛЛИК ХИЗМАТИ ВАКОЛАТИ

Jahon tajribasi

Аввало шуни айтиш керакки, Маршаллик хизмати АҚШ федерал ҳуқуқ-тартибот идораларининг энг қадимий ва кўптармоқли соҳаларидан бири ҳисобланади. 1789 йилдан бошлаб АҚШ Маршаллик хизмати ҳаёт учун зарурий аҳамият касб этган ҳар турли ҳуқуқ-тартибот вазифаларини бажариб келмоқда. АҚШ президенти ёки Адлия вазири томонидан тайинланганди. Маршал, директор ва директор ўринбосарлари жами 50 штатнинг 350 округида ҳамда Гуам, Шимолий Мариан, Пуэрта-Рико ва Виржиния ороллари жойлашган 95 га яқин ҳудудий бўлинмалар фаолиятини бошқариб келади. Ҳар бир ҳудудий бўлинмани АҚШ Маршали бошқаради. Маршаллик хизмати штаби Виржиния штатининг Арлингтон шаҳрида жойлашган.

Маршаллик хизмати федерал адлия тизимида ўзига хос марказий ўринлардан бирини эгаллайди. У ҳар бир федерал ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳаракат фаолиятига сингиб кетган. Маршалларнинг 4000 мингга яқин ўринбосарлари ва мазкур хизматнинг бошқа масъул ходимлари ҳар куни қуйидаги функцияларни амалга оширадилар:

а) мулкни ҳибсга олиш ва уни мусодара қилиш;
б) махсус амалиёт ва дастурлар;
в) ҳуқуқ-тартибот идораларидан яшириниб юрган шахслар ишларини тафтиш қилиш;
г) судларни қўриқлаш;
д) тутқунликдагиларни қўриқлаш ва конвойлаштириш;
е) гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш.

Жамғарманинг аксарияти Маршаллик хизмати томонидан машинаси, қайиғи, яхтаси, учоғи, заргарлик буюмлари, санъат асарлари, ҳайвонлар, виллалар, уйлар ва ресторанлари мусодара қилинган аристоннинг таъминоти учун фойдаланилиши ҳам мумкин. Ана шу дастур амалиётга қўлланилганидан буён Маршаллик хизмати томонидан баҳоси 8,6 миллиард долларни ташкил этувчи мулк қўриқланмоқда.

Маршаллик хизматининг 94 ҳудудий бўлинмалари томонидан ҳибсда сақланаётган мулк бошқарилмоқда. Маршаллар уларни қўриқлаш, қайд этиш, баҳолаш, суд қарори кучга киргунга қадар мулкни сақлаш сингари вазифаларни бажарадилар.

Маршаллик хизмати Гиёҳвандликка қарши курашиш маъмурияти, ФБР, Эммиграция хизмати, почта назорати ходимлари, санитар-эпидемиология назорати нозирларига ҳам мулкий хизмат кўрсатади. Бу федерал агентликлар маҳаллий, миллий ва халқаро ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда мулк мусодараси билан боғлиқ бўлган жиноятларга қарши биргаликда фаолият олиб боради.

Мулк мусодарасига тааллуқли бўлган ишни ёпиш жараёнида маҳаллий ва ҳудудий агентликлар мусодара қилинган мулк сотиб юборилгандан кейингина ундан тушган маблағдан ўз тегишларига эга бўлиши мумкин.

Маршаллик хизмати шу йўсинда 7,9 миллион доллардан ортиқ маблағни маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларига ажратди.

I. МУЛКНИ ҲИБСГА ОЛИШ ВА УНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ

1984 йилда АҚШ Конгресси **"Жиноятчиликни назорат қилиш бўйича кенг қамровли акт"**ни қабул қилиб федерал прокурорларга мулк мусодараси бўйича янги ваколатларни берди. Бу ваколатлар бўйича Адлия департаменти ҳузурида Мулкларни мусодара қилиш фонди ташкил этилди. Хусусий мулкка дахлдор бўлган мусодара қилинган машиналар, кўчмас мулк, заргарлик буюмлари ва шунга ўхшаш молмулкдан тушган фойдалар ана шу жамғармага ўтказилиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини таъминлаб туриш кўзда тутилади.

Бу жамғарма тузилгунга қадар юқорида тилга олинган мулкни бошқариш ва тегишли ресурсларни ажратиш бўйича бу кучли ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳеч бир иқтисодий қизиқишга эга эмасдилар. Ваҳоланки, бу пайтга қадар мусодарани назарда тутган 200 га яқин федерал қонун мавжуд эди ва улардан гиёҳвандлик, пул ўзлаштирилиш, ўюшган жиноятчилик, қаллоблик жиноятлари орқали мусодара этилган мулкларни қўриқлаш айнан мана шу Маршаллик хизмати зиммасига тушар эди.

II. МУЛКНИ МУСОДАРА ЭТИШ ДАСТУРИНИНГ УЧ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

а) қонунни бажариш;

б) ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликни яхшилаш;

в) олинган даромадни ҳуқуқ-тартибот фаолиятини яхшилаш учун фойдаланиш.

Мулкни мусодара қилиш дастури АҚШ ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятининг энг ижобий тажрибаларини ташкил этади ва унда Маршаллик хизматининг аҳамияти бебаҳодир.

III. МАХСУС АМАЛИЁТ ВА ДАСТУРЛАР

Маршаллик хизмати ўринбосарлари ҳар йили юзлаб махсус амалиётларни ўтказадилар. Бу амалиётлар кўптармоқли федерал ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятига нечоғлик тааллуқли бўлса, судларнинг ҳимояси учун ҳам шунчалар масъулиятли аҳамият касб этади.

IV. МАХСУС ТАЙИНЛАНГАН ГУРУҲ

Махсус тайинланган гуруҳ (спецназ) бу темиринтизом ва махсус тайёргарликка эга бўлган тактик бўлинма ҳисобланади. Мазкур махсус тайинланган гуруҳ АҚШ ҳудудида ташқи кучлар томонидан содир этилган ҳар бир ҳолатга зудлик билан таъсир кўрсата оладиган гуруҳлардан иборат. Маршаллик хизматининг кўплаб ўринбосарлари ўз ҳоҳишлари билан ана шу гуруҳга аъзо бўлиб кириб, доимий равишда таъсир кўрсатишга шай турмоқдалар. Шу муносабат билан Бореград шаҳрида Маршаллик хизмати тактик тайёргарлиги Маркази очилган. Бу марказ махсус тайинланган отрядга жалб этилган барча маршаллик хизмати ўринбосарлари қурол билан муомала қилиш бўйича барча тактик машғулотларини ўтказишлари мумкин. Бу ўринбосарлар жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан ўз имкониятларини тўла-тўкис намоён этишга мажбурдирлар.

Махсус тайинланган отряднинг асосий вазифасига қоқоқларни тутиш, судларни қўриқлаш, ўта хавфли жиноятчиларни бир ердан иккинчи ерга олиб бориш, гувоҳларни қўриқлаш, мулкларни мусодара қилиш сингари ишлари киради.

V. РАКЕТАЛАРНИ КОНВОЙЛАШТИРИШ

Ракеталарни конвойлаштириш дастури Маршаллик хизмати бурчларидан бирига киради. Маршаллик хизмати ўринбосарлари Мудофаа вазирлигига ҳуқуқ-тартибот таъсирини кўрсатиш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида махсус тайёргарликдан ўтадилар. Бу тайёргарликдан ўтганлар АҚШ Ҳарбий ҳаво кучларига учига ядро қуроли жойлаштирилган ракеталарни бир жойдан иккинчи бир жойга олиб боришда ҳам махсус ёрдам кўрсатадилар.

VI. СУД ҚАРОРИНИ ИЖРО ЭТУВЧИ ГУРУҲ

Суд қарорларини ижро этувчи гуруҳ Маршаллик хизмати орасида нисбатан ёш бўлинмалардан бўлиб, у 1992 йилда ташкил этилган. Маршаллик хизматининг айрим ўринбосарлари махсус тренингдан сўнг АҚШ прокурори ҳузуридаги молиявий бўлинмага қўшилиб, суд қарорларининг тўлиқ ижросини таъминлаш учун сафарбар этилади.

Улар давлатга қарзларини тўлашдан бош тортган шахслар ишларини тергайдилар. Буларга тиббий хизмат ва бошқа соҳалардаги жарималар, молиявий ҳийлагарликлар киради. Бундан ташқари, Маршаллик хизмати ўринбосарлари мулкий қарздорларни аниқлайди, тегишли хат-ҳужжатларни тузади, судгача ва суддан кейинги қарзлар тўланишини назорат қилади, суд қарорлари талаблари ижросини кузатадилар.

VII. ҲУДУДИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ

Маршаллик хизмати ҳудудий бўлинмаларига таъсир кўрсатиш учун 1994 йилда Ҳудудий ишлар бўлими тузилади. Бу бўлим фавқулодда ҳолатлар юз берганида маъмурий ва амалий муаммолар билан шуғулланади. Шу билан бирга бу бўлим суд йиғилишлари жараёнида хавфсизликни таъминлашда мувофиқлаштирувчи гуруҳ вазифасини ҳам ўтайди. Ноқонуний йиғилишлар, табиий офатлар туфайли юз берган фавқулодда ҳолатларда махсус тайинланган бўлинмаларга кўмаклашиш ҳам уларнинг зиммасига юклатилган.

Биргина шу йилнинг ўзида юз берган тўфонлар натижасида талофат кўрган туманларга мамлакатнинг барча еридан юзлаб ўринбосарлар юборилди. Улар бу ишларга АҚШ Адлия вазирининг буйруғига биноан сафарбар этилди.

Бобур ШАМСИЕВ

ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ

Юртбошимизнинг таклиф ва ташаббуслари билан мамлакатимизда янги 2003 йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши халқимиз томонидан катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Буни таҳририятимизга оқиб келаётган хатлардан ҳам билиб олиш мумкин. Зеро, бу бежиз эмас. Чунки халқимиз азал-азалдан маҳаллага алоҳида ҳурмат кўзи билан қараган. Уни фарзандларнинг муҳим тарбия ўчоғи, ғуруру шаън тимсоли деб билган. "Маҳалла-кўй" деган тушунча азалдан муқаддас калом сифатида тилга олинган.

Истиқлол йилларида маҳалланинг ҳаётимизда мавқе-мартабаси қайта тикланди. Унинг зиммасига бир қатор масъулиятли вазифалар юклангани ҳам шундан далолат беради. Қисқаси, бугун маҳаллалар, уларнинг фаоллари бажарадиган ишлар ниҳоятда кўп. Юмушларни бирма-бир санаб ўтмоқчи эмасман. Лекин ҳаётда ҳар томонлама ибратли, тўкис ҳисобланган маҳалланинг номига доғ туширувчи, юзига соя солувчи ҳоллар ҳам учрайди.

Энг асосийси, баъзан оилалар тақдири, фарзандларнинг кейинги ҳаёти ҳал бўлаётган бир чоғда айрим маҳаллаларда лоқайдлик, бепарволик каби иллатлар ҳам учрайди.

Шу ўринда бир ҳаётий мисолга мурожаат қилсак.

Шерали Ёриев билан Маъсуда Зиётова ўртасидаги никоҳ Пахтачи туман Қуйибоғ қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан 1998 йил 17 апрелда қайд этилган. Бошида ёш оила тинч-тотув яшади. Кейинчалик оилада фарзанд дунёга келгач, отанинг ҳам, онанинг ҳам қувончдан боши осмонга етди.

Аммо негадир бу бахтли ҳаёт узоққа чўзилмади. Маъсуда эри билан тез-тез жанжалашиб, ота-онасининг уйига кетиб қоладиган одат чиқарди. Ўртадаги низо аста-секин кенгайиб, оиладан меҳр-оқибат, аҳиллик кўтарилди. Охир-оқибат оила барбод бўлди. Мана, икки йилдирки, улар бирга яшашмайди. Энг ёмони, суд томонидан ўзаро ярашиб кетиш учун берилган муддатдан ҳам ҳеч қандай натижа чиқмади. Бунинг устига Шерали бошқа жувонга уйланиб олди.

Энди иккинчи бир мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, Собир билан Нодиранинг никоҳи Нарпай туманидаги Маркент қишлоқ фуқаролар йиғинида 1991 йилнинг 15 августида қайд этилган. Улар 1997 йилга қадар яхши яшаб келишган. Оиладаги икки фарзанд ҳам отанинг, ҳам онанинг қувончи эди. Энг муҳими, бу оила ҳамманинг назарида, мустаҳкам ва бахтли кўринарди. Лекин кейинчалик Собирнинг табиатида ўзгариш юз берди, у уйга ичиб келадиган, сабабсиз жанжал қиладиган одат чиқаради. Оиладан аста-секин ҳаловат кўтарилди. Охир-оқибат Нодира Исматова 2000 йилда никоҳни бекор қилишни сўраб, судга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Ўз навбатида суд ярашиб кетишлари учун уларга олти ой муҳлат беради. Буни қарангки, улар қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб, ярашиб кетади. Аммо орадан кўп ўтмай С.Тўраев яна эски одатини бошлайди. Ичкиликка муккасидан кетадики, бу оилани бутунлай боши берк кўчага киритиб қўяди. Бошқалик, Маъсуданинг тез-тез жанжал қилиб, ота-онасининг уйига кетиб қолиши, Собирнинг ичиб келиб, Нодиранинг хўрлашидан қўни-қўшни, маҳалла-кўй бехабар эдими? Суд тартибида никоҳлари бекор қилинмасдан туриб, Шерали Ёриев, Собир Тўраевларни бошқа аёлга уйлангани, Нодира Исматованинг бошқа эрга текканини маҳалла аҳли, оқсоқоллар сезмасдан қолиши мумкинми?

Оила — жамиятнинг кичик бўлаги. У баҳор ҳавосидек тоза, тонгги шудрингдек мусаффо бўлмоғи керак. Тўғри, бир томондан эҳтимол оила кўнгил ишидир. Бироқ, кўнгилга эрк бериб, норасида гўдакларни ота ёки она меҳридан бенасиб қилиш халқимиз табиатига мос келмайди.

Қўйди-чиқдиларни қадимқадимда ота-боболаримиз ўз табиатларига ёт санаган, айб ҳисоблаган. Нотинч оилалардаги муносабатни жамоатчилик ёрдами билан муросага келтириш, тўғри йўлга солиш маҳалла қўмиталарининг биринчи галдаги иши бўлмоғи лозим.

Азамат НАЗАРОВ,
ҳуқуқшунос

Dolzarb mavzu

ЖАҲОННИ ЛАРЗАГА СОЛГАН СУИҚАСД

ЁХУД ПРЕЗИДЕНТ КЕННЕДИНИНГ СИРЛИ ЎЛИМИ ТАФСИЛОТЛАРИ

Taqdir tarixi

(Давоми. Боши ўтган сонда)

"Ё парвардигор, сенинг дегизинг шунчалар улкан, шунчалар шовқинлики, уни таърифлашга менинг каломим ожиздир", — деб бошланувчи қўшиқ ёзилган пластинка ҳамиша президентнинг ёзув столи чеккасидаги патифонда турар, у ўзи истаган пайтларда ана шу қўшиқни эшитиб анчайин ўйга чўмиб қоларди. Мана энди у уч кун бу қўшиқни тингголмайди, уч кунгача ўй ҳам суролмайди, бу кунлари у Техас ички сиёсати харсанг тошларига келиб урилувчи ҳар турли каслар шовқин-суронинигина эшитишга, уларга тасалли беришга, дилларидаги ҳар турли ўй-мулоҳазаларига, жумбоқли саволларига ечим топишга мажбур. Бу сафар Кеннеди учун бир томони билангина қувонч, ёруғ ўй-хаёллар бахш этар, у ҳам бўлса, сафарда унга суюкли Жаклин ҳамроҳлик қилди. Хотинининг бу қарори унинг учун кутилмаган бир совға эди, зеро Жаклин сайловолди компанияларида иштирок этишни ёқтирмасди.

— Баъзан ўзимни президентнинг хотини ўрнида тасаввур ҳам қилолмайман, — деганди у бирда. — Аммо Жекни президентлик курсисидан ўзга ерда умуман тасаввур этолмайман.

Президентнинг яқин маслаҳатчилари даставвал унинг бу ҳаёт тарзига кўниколмаган бўлсаларда, аммо бора-бора мослашиб қолгандилар. Келиб чиқишлари ирландияликларга бориб тақалган бу одамлар ўзларининг тақдирларини янги Америқо билан чамарчас боғлаган бу инсон қисматига даҳлдор деб билишар, шунинг учун ҳам баъзида унинг иш услубидан, яшаш тарзидан ҳайратлансалар, баъзан эса ақллари лол қоларли даражада таажжубланишарди. Жаклин Кеннеди ниҳоятда сертакаллуф, ширинсухан, юмшоқлик ила муомала қила олар, шу сабабдан ҳам унинг атрофида ўзларини олий табақа санаган кибор аёллар гирдикапалак эдилар. Жаклин хоним ўзининг аёллик назокати, ҳусну малоҳати билан бу олифта, пулдор бойвуччаларни мафтун этолганди. Жон Коннэли биринчилардан бўлиб "Кеннедининг президентлик шоҳсупасига кўтарилиши мамлакатда туб бурилишлар юз беришига сабаб бўлди", дея олганлардан эди. Ўта келишимлилик иккинчи даражали сиёсат арбобининг хотини учун манфий томон бўлиб хизмат қилиш мумкиндир, аммо мамлакатнинг биринчи хоними учун эса улкан ижобий жиҳатларни олиб келиб, мамлакат шаън-шавкатини юксакларга кўтариши шубҳасиздир. Сайловчилар, айниқса, аёллар ҳукумат бошлиғи резиденциясида бундай гўзал сарой бекасининг умргузаронлик қилишига жуда ҳайрихоҳ, айни пайтда ҳайратда эдилар. Президент олдидаги вазифалардан яна бири шундан иборат эдики, у ўзининг ёнида умуммамлакат, умуммиллий қизиқишни уйғотувчи, маликасифат сиймоси билан ҳаммани ўзига ром этолган хонимига ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратиши талаб этиларди. Ана шу ўз жуфти ҳалолига қаратилган диққат-эътибор ҳам халқда бутун мамлакат хонимларига кўрсатилган меҳр-оқибат саналарди. Бу нарсаларни, бундайин лутфни Кеннеди Жаклинга кўрсатиб келган, хотини ва фарзандларига бўлган муҳаббатни, миллат, мамлакатга бўлган муҳаббат тимсоли даражасига кўтарилганди. Яна у техасликлар ҳам Жаклинни унинг ёнида кўришларини жуда-жуда истар, бу сиёсий нуқтаи назардан ҳам унга жуда қўл келиши, келажакда унинг тақдирида, мамлакат тақдирида муҳим роль ўйнаши мумкинлигини жуда яхши англаб етганди.

Ўша 1963 йилнинг 4 октябрида, Коннэли Жаклинни сайловолди компаниясига жалб этиш ҳақидаги таклифи билан чиққанида, Кеннеди учун бу таклиф ҳақиқатдан йирақдек бўлиб кўринган, шунинг учун ҳам бу масалани қўзғашни истамаганди. 1963 йилнинг августи эр-хотин Кеннедилар учун оғир жудоликни олиб келган, ҳаёт бу оила бошига мусибат солиб уларни яна бир синовдан ўтказганди. Улар ўғил фарзанд кўришиб, чақалоқ дунё юзини кўрганидан қирқ саккиз соат ўтгач, ундан жудо бўлишганди. Фақатгина президент оиласига яқин бўлган кимсаларгина бу оғир жудоликдан эр-хотин қанчалик изтироблар чекканларининг гувоҳи бўлишганди. Жаклин эри ва болалари бағрида қолишни истарди. Бу одатий ҳаёт тарзи унга ғам-ташвишларни унутишга, яна вужудини ўрташни қўймаётган фарзанд доғи, изтироблардан фориғ бўлишга ёрдам берадигандек кўринди. Кеннеди бошқа режани унга таклиф этди: Жаклин қандай бўлмасин ўзга юртларга сайр қилиб келиш керак". Аммо Жаклин бу режа сайловга бир йил қолганида бундай қилиб бўлмаслигини таъкидлаб, яна бир бор атрофдагиларни лол қолдирди. "Юнон миллионерининг яхтасида Ўртаер денгизини сайру саёҳат қилиш билан ҳеч бир сайловчини ҳайратлантириб, ўзингга оғдириб бўлмайди!", деди у қатъий туриб. Лекин Жон ўз сўзидан қайтмади. Охир-оқибат Жаклин эрини ранжитмасликни мувофиқ билди. Ана шу айрилиқ, хижрон азоби бу икки улуғ қалб эгасининг бир-бирига бўлган муҳаббати, садоқатини абадиятга мухрлаганини ҳам инкор этиб бўлмасди.

Ҳақиқатан ҳам, бундоқ олиб қараганда, Жон ҳақ бўлиб чиқди. Ҳаммаси худди у айтгандек бўлди. Ўртаер денгизи саёҳати мамлакат биринчи хоними учун бутун ташвишу ғамларни, оғир жудоликларни унутилишига, ҳаётга бўлган қизиқишининг яна алангга олишига сабаб бўлди. Худди ана шу нарсани президент истаганди, истаги амалга ошиб, Юнонистон ва Моракко сафарлари Жаклин учун афсонавий саёҳат кўринишини олиб, муҳит ўзгаришлари унинг баланд руҳ, аъло кайфиятда мамлакатга қайтишига, ўз севган ёри висолига етишувига сабаб бўлди. Жаклин келгуси йил режаларини тузишга киришди.

— Биз сайлов компаниясини биргалашиб ўтказамиз, — деди у эрига. — Мен сен билан бирга бораман...

Кеннеди ундан бу гаплари мана бу Линдон билан бирга кетишаётгани сафарга ҳам тааллуқлими деб сўраганида, Жаклин ён чўнтагидан жилдига қизил чарм қопланган ёзув дафтарчасини чиқарди-да, у ерга 21, 22, 23 ноябрларни қайд этиб, қўштирноқ ичига "Техас" деб ёзиб қўйди.

Эртаси куни Кеннеди бу ҳақда ўзининг бош сиёсий маслаҳатчилари Кен О"Доннел ва Лэрри О"Брайенга маълум қилди. Хьюстонлик конгрессчи Альберт Томаснинг кейинчалик ҳикоя қилишича, бу хабарни эшитган маслаҳатчилар "бундайин кутилмаган янгиликдан аганаб тушай" деганмиш. Жаклин ҳеч қачон Техасда ёки мамлакатнинг жанубий-ғарбида бўлмаган экан. Ҳатто президентлик сайловидан сўнг ҳам ўзларига қарашли бўлган Мидабург яқинда — Атокадаги шаҳар ташқариси уйларига ҳам ташриф буюриш эсига келмаганди. Президентнинг матбуот билан алоқалари бўйича ёрдамчиси бўлган Пьер Сэлинжер Жаклиннинг эри билан биргаликдаги бу сафари ҳақида 7 ноябрда журналистларга маълум қилганида, бу хабар мамлакатга тезда тарқаб, кўп шов-шувларга сабаб бўлди. Техаслик Берд хоним Жаклинга мана бу йўсиндаги мактубни йўллади: "Президент ҳақида газеталарнинг бешинчи саҳифаларида ёзишаяпти, Линдин ҳақида эса охирги саҳифада, аммо Сиз ҳақингизда бутун газеталар ўзларининг биринчи саҳифасидан ўрин ажратганлар". Кеннедилар оиласининг яқин дўсти, журналист Чарли Бартлет эса президент билан телефон орқали боғланиб, "Сент-луислик бир янгиликлар хабарчиси Жаклин ҳақида бу «қизча»нинг ақли бало экан деб таъриф берди", деб хурсанд қилишни унутмади.

— Бизларнинг ҳаммамиздан ҳам бало экан, — деб қуруқкина қилиб қўшиб қўйди президент. Аммо шу атрофда турган хотинига юзланиб: — Жуда ажойиб бўладиганга ўхшайди, тўғрими? Сен мен билан жуда камдан-кам кўринасан, аммо шу томонинг билан ҳам ҳаммани ўзингга жалб этолдинг! — дея ҳайратини яширолмади.

Лекин ана шундай бутун элу юртнинг диққат марказида турсалар-да, Жон Кеннеди бу сафарга тайёрланиш чоғида жуда ҳам асабийлашарди. У хотини кейинчалик бу сафарга борганидан пушаймон еб қолиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб қийнала бошлаганди. У бу сафар хотинига ижобий таъсир этиб, лаззат бағишлашини жуда-жуда истар, кейинги шунга ўхшаш сиёсий сафарларда ҳам жуфти ҳалолини ўзига ҳамроҳлар қаторида кўришни орзу қиларди. Шунинг учун ҳам худди ёш спортчилар каби Жаклин Техасда ҳаммадан ҳам гўзал, ҳаммадан ҳам жозибадор, барчанинг олқишига сазовор бўлишини истарди. Ана шу истак Кеннедига улкан куч-ғайрат бахшида эта бошлагандики, бутун томирида жўш урган худди ана шу илоҳий бир қувват унга келажакдаги сиёсий ишларида катта ғалабаларга эришажагидан шаҳодат бераётгандай бўлиб кўринганди. Ҳаётларида биринчи маротаба у хотинидан бу сафарга қайси кийимда бориш ҳақида суриштирди. Айниқса, Жаклиннинг Далласга қай кўринишда кириб бориши Кеннедини жуда ҳам қизиқтирарди.

— Ўша тантанали дастурхонда манави бой республикачиларнинг танноз ойимчалари ўзларининг бор бисотларини кўз-кўз қилиб, айримлари елкаларига норкалар ташлаб олсалар, бошқалари бриллиант занжирларини осиб олишлари турган гап, — деди у хотинига. — Сен ҳам улардан ўтсанг ўтгин-у, аммо қолишма! Содда кийин, лекин дид билан кийиниш қандай бўлиши керaклигини бу техаслик хонимчаларга кўрсатиб қўй!..

Ана шу икир-чикир нарсаларгача эрини ташвишлантираётганини кўрган Жаклин ундан сўради:

— Мен Далласда шунчалар ҳурлиқо кўринишим керак экан, нега унда бошида мана бундай шамолли кунда очиқ машинада юришим шарт бўлади?

Нега эканини у яхши биларди. Оммага ўзини бундай тарзда кўз-кўз қила билиш АҚШда сиёсий таъсир кўрсата олишнинг ўзига хос бир усули эди!

Ана шу усулда оммани ўзига жалб қила олиш учун оломон орасидан машинада оҳиста кезиб чиқиш шарт эди. Машиналар кортежи Даллас бўйлаб шаҳарни қирқ беш дақиқа ичида айланиб ўтиши кўзда тутилаётганди...

Русчадан Аббос САИД таржимаси

(Давоми бор)

Ijro mas`uliyati

СУД ҚАРОРИ:

у қачонгача қоғозда қолади?

(Боши учинчи бетда)

Яна Меҳнат Кодексига қайтамиз. Унинг 237-моддасида ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин эмаслиги қайд этилган. Тиббиёт муассасидан берилган маълумотномага қараганда, М.Шарипованинг саккиз ҳафталик ҳомиласи бўлган.

Албатта, суд ҳал қилув қарори чиқаришда баён этилган қонун талабларига асосланган. Лекин "Пахтабанк" бошқарувига суднинг ҳал қилув қарори ижросини таъминлашда ҳафсала етишмаяпти.

Шу йилнинг 4 ноябрида суд ижрочиларининг Чилонзор туман бўлинмаси ижрочиси Баҳром Файзиев "Пахтабанк" бошқаруви раиси Қобилжон Тошматовга 2-3923-сонли ижро варақаси ижросини таъминламагани учун энг кам иш ҳақининг ўн беш баробари миқдорида, яъни 68025 сўм жарима солиш тўғрисида қарор қилган. Қарор қабул қилингандан буён ҳам анча кун ўтди. Бироқ банк бошқарувидагилар М.Шариповани аввалги лавозимига ишга қайта тиклашни ўйлашмаяпти. Бунинг ўрнига "антиқа" тадбирлар ўйлаб чиқишмоқда. Бунга "Пахтабанк"нинг вилоят бошқармаси томонидан 15 октябр куни чиқарилган 202-сонли буйруқни мисол қилиб кўрсатиш мумкин: **"Пахтабанк"нинг Навоий вилояти Кармана бўлими бошқарувчиси лавозими банд бўлганлиги сабабли Моҳира Шариповани бўлим бошқарувчиси лавозимига тенг бўлган қисқа муддатли кредитлаш бўлими бошлиғи лавозимига 2002 йил 21 октябр кунидан бошлаб тайинлансин. Ойлик маоши штат жадвали асосида белгилансин.**

Асос: Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар А.Икромов туманлараро судининг 2002 йил 30 сентябрдаги ҳал қилув қарори".

Буйруқнинг асос қисмига эътибор беринг — суднинг ҳал қилув қарорига асосланилган эмиш. Ахир, ҳал қилув қарорида бўлим бошқарувчисига тенг лавозимга тайинлаш кўрсатилмаган. Ўзининг аввалги ишига қайта тиклаш қайд этилган, холос. Суд қарорини бу тарзда тушунишганидан фақат таажжубга тушиш мумкин.

— Банк бошқарувидан келган шошилинчномага кўра мен 24 октябрь куни Тошкентга боргандим, — дейди М.Шарипова. — Вилоят бошқармасидан бўлим бошлиғи вазифасини таклиф қилишди. Рози бўлмадим. Мажлис ўтказишиб, рози бўлмаганлигимни қарорлаштиришди.

Моҳира Шариповани қўлида "Пахтабанк" бошқаруви унинг Навоий вилояти бошқармаси раҳбарлари имзоси билан келган бирталай хатлар бор. Улардан бири шу йил 2 октябрда "Пахтабанк" бошқарувидан 14/Ф-04-05-рақам билан жўнатилган. Хатда 1998 йил 2 октябр куни эълон қилинган "Акциядорлик-тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонига илова қилинган Низомнинг 17-моддасига биноан банк филиаллари бошқарувчиларини лавозимга тайинлашда Республика Марказий банкининг розилигини олиш кўзда тутилгани баён этилган. Бу фикрга биз ҳам юз фоиз қўшиламиз. Лекин бу ҳолда даъвогарни аввалги ишига қайта тиклаш учун суд қарори чиққандан буён ўтган шунча вақт етмадими? Республика Марказий банкидан М.Шариповани ишга қўйишга розилик олишга яна қанча вақт керак? Бу — масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони шундан иборатки, бу ҳолда мустақил суд ҳокимиятининг обрўси, ваколатига соя тушмаяпдими? Ахир, мамлакатимиз Конституциясининг 114-моддасида **"Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир"**,деб белгиланган-ку?!

— Мени "Пахтабанк" бошқаруви ишдан бўшатган, — деб куйинади М.Шарипова. — Энди ишимга қайта тиклашда юқори ташкилотдан розилик олишни баҳона қилишяпти.

Албатта, М. Шариповонинг фикрини қувватлаш асосий мақсадимиз эмас. Эҳтимол, унинг фикрида ҳам жон бордир. Биз фақат қонунларга ва суд ҳал қилув қарорига таянаяпмиз, холос. Зеро, Конституциямизнинг 114-моддасини ҳам моҳирда бежиз келтирмадик. Моҳира суднинг ҳал қилув қарори ижроси чўзилиб кетаётганини тошбағирлик ва сансоларлик, деб ўйлаяпти.

Хулоса қилсак, бизни суд қарори ижроси қачон таъминланади, деган савол қизиқтиради. Ўйлаймизки, бу саволга мутасаддилар тез орада жавоб топишади. Демак, баён этилган воқеанинг тўғрилиги ёки тошбағирлик эканига ҳам ойдинлик киритилади.

Ҳамид ЭГАМ,
"Инсон ва қонун" мухбири



Қор завқи

Ушбу сондаги суратлар муаллифи Абдуғани ЖУМАЕВ

Mitti maslahat

СПИРТЛИ ИЧИМЛИК ШОХ ЧИҚАРГАН ЭМАС!

Спиртли ичимлик ичиш ҳеч қачон, ҳеч кимга фойда келтирмаган. Бундан фуқаролар ҳам, жамият ҳам кўпроқ зарар кўради. Қанчалаб оилаларнинг бузилиб, турли жиноятларнинг содир этилаётгани, оғир касалликлар кўпайиб кетаётгани спиртли ичимликлар истеъмол қилиш оқибатида юзага келиши ҳеч кимга сир эмас.

Биз баъзан кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, жамоат транспортида ва бошқа жойларда фуқароларнинг ҳеч тортинмасдан, бемалол спиртли ичимликлар ичаётганининг гувоҳи бўламиз. Ваҳоланки, спиртли ичимликни қўйиб сотишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан бошқа жамоат жойларида ичиш мумкин эмас.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 187-моддасида жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичган шахс маъмурий тартибда жавобгарликка тортилиши қайд этилган. Агар бундай ҳуқуқбузарликни у такроран содир этса, энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима тўлашга ёхуд 15 суткага маъмурий қамоқ жазосига тортилади.

Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш ахлоқ-одоб қоидаларига зид бўлиб, кўплаб нохушликлар, жиноятлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Баъзан спиртли ичимликлар ичиб, кўпларга дилозорлик қилиб юрганларга насиҳат қилсанг, "Ичсам ўзимни пулимга ичибманда, сенга нима", деб бетга чопарлик қилишади. Аммо унинг оқибати ёмонлик билан тугашини сира-сира ўйламайдилар.

Спиртли ичимлик ҳеч қачон шоҳ чиқарган эмас! Уни истеъмол қилиб гуноҳга ботиш, моддий ва маънавий жиҳатдан жабрланишдан узоқ бўлайлик, азизлар!

ҲУКМ ҚАТЪИЙ, ЛЕКИН...

ОТАСИНИНГ ҲАЁТИГА ЗОМИН БЎЛГАН ЎҒИЛНИ ҚОТИЛЛИК ҚИЛИШГА НИМА МАЖБУРЛАДИ?

Одатдагидек, ўша кун ҳам уйда жанжал бошланди. Кўчадан ичиб қайтган отанинг хурмача қилиқлари ҳаммасидан ошиб тушди. Энг ёмони, у ўз жуфти ҳалоли – хотинини бузуқсан, болаларингни ўйнашингдан орттиргансан, дея аввал қуракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилди. Бу ҳам етмагандек, кейин у муштипар аёлни сочидан тутиб, беаёв дўппослай бошлади...

Энг даҳшатлиси шунда эдики, бу машмаша болаларнинг кўз ўнгида рўй берди. Охири, ўғил онасининг аянчли аҳволига чидолмай отасини инсофга чақира бошлади.

— Уялмайсизми, ота?! Онамга нега бунча азоб берасиз?! — деди оиланинг катта ўғли Фарҳод.

Кўзи қонга тўлган ота энди хотини қолиб ўғлига дўқ ура кетди.

— Ҳали сен тирранча, ҳароми, менга ақл ўргатадиган бўлдингми?- дея унинг юзига мушт туширди. Бир томондан калтак зарби, иккинчи томондан куракда турмайдиган ҳақоратлар Фарҳоднинг жонидан ўтиб кетгани боис ўзини тутолмай отасини итариб юборди. Маст-аласт ота гандираклаб бориб хонадаги чўян печканинг қиррасига бошини урди. Боши қонаган ота ҳали мени урадиган сенмисан деб ўғлига ташланди ва унинг дуч келган жойига ура кетди. Фарҳоднинг ҳам сабр косаси тўлди. Ўзини босиб олишга асаби дош бермай, ўз навбатида у ҳам отасини хумордан чиққунча дўппослай кетди. Охир-оқибат ота-бола ўртасидаги жанг фожиий кўринишда интиҳосига етди. Қотиллик юз бериб, Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Оқтош шаҳрининг Зирабулоқ кўчаси, 65-уйда яшовчи Фарҳод Холиев ўз отасини уриб ўлдириб қўяди. Ўз қилиб қўйган ишидан қўрқиб кетган Фарҳод бундан ҳам даҳшатли ишга қўл уриб, отаси жасадини шаҳар чеккасидан оқиб ўтувчи катта каналга ташлаб юборади.

Ўзи қутмаган жиноятга қўл уриб қўйган Фарҳод узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Мени қонун ҳимоячиси сифатида «жиноят очилди, гап тамом» деб бу ишга ортиқ қайтмай, қўл силтаб кетаверишим ҳам мумкин эди. Лекин касбим тақозоси, яна бошқа томондан инсонийлик ғурури ана шундай қилишга йўл бермади.

Келинглар, азиз газетхонлар, дўппини бир жойга олиб қўйиб ўйлаб кўрайлик-чи, ушбу мудҳиш жиноят қандай содир бўлди? Бу қотилликнинг олдини олиш мумкинмиди?

Ҳа, сўзсиз ушбу хунук воқеани олдини олиш мумкин эди. Олди олинганида эндигина ҳаётининг йигирма бешинчи баҳорини қаршилаган, ҳали оппоқ гўшангаларга куёв бўлиб улгурмаган Фарҳод жиноят курсисига ўтирмаган, яна даҳшатлиси, ўз отасининг қотилига айланмаган бўларди.

Нега? Одатда марҳумлар ортидан ёмон гапирилмайди, аммо инсоф юзасидан айтиш жоизки, марҳум Шокир Холиев ҳаётлик чоғида мунтазам ичиб келиб, уйида жанжал кўтарар, ўз турмуш ўртоғи ҳамда болаларига кун бермасди. Ўз турмуш ўртоғи Сабоҳат Холиева билан 1991 йил ажрашиб, улар ўртасидаги никоҳ бекор қилинган, лекин ўзбекчилик, қавм-қариндошларнинг қистови, қолаверса, ўртадаги беш нафар фарзанд уларни яна бирга яшашга мажбур этганди. Лекин шунда ҳам ичкиликка муккасидан кетган эр ўзини қўлга ололмаган, Сабоҳат ва болаларни қон қақшатишда давом этаверган. Бу ҳақиқатни марҳумнинг яқинлари ҳам терговда очиқчасига тан олиб, эътироф этдилар.

Марҳум Шокир Холиевни тартибга чақиришни илтимос қилиб Сабоҳат опа бир неча марта маҳалла қўмитаси, унинг яқинларига мурожаат қилган. Минг афсуслар бўлсинки, ҳар сафар бу уринишлари зое кетаверган. Ўз ишига лаёқатсиз бўлган маҳалла оқсоқоли, ўзларини ёмон кўрсатишдан қўрққан қўшнилару бепарво қариндош-уруғларнинг эътиборсизлиги туфайли ушбу мудҳиш воқеа рўй берди. Бу билан мен жиноят содир этган ўғил – Фарҳодни оқламоқчи эмасман, лекин қонун ҳимоячиси, шу юртнинг бир фуқароси сифатида унга ич-ичдан ачинаман, раҳмим келади. Ҳар бир инсон ҳаётга жиноят қилиш учун келмайди. У дунёга яхши кун кўриш, мазмунли ҳаёт кечириш, серфарзанд-сердавлат — қўйингки, саодатга эришиш учун келмайдими, ахир?! Хўш, Фарҳод бу ёруғ оламга келиб ана шу бахтга эришолдими? Ақалли гўшангага куёв бўлиш насиб этмай жиноятчига айланди. Ҳақиқатда эса, қачондир ўз қилмиши учун худди шу курсида ўтириши мумкин бўлган отасининг қотилига айланди.

Бунга ким айбдор? Очиғини айтиш керак, бунга бефарқ маҳалла фаоллари, қўни-қўшнилар, меҳр-оқибатсиз қариндош-уруғлар ҳам ўзларини айбдор санашлари, ҳеч бўлмаса, айбдор ҳис этишлари лозим деб ўйлайман. Ана шундай фожий воқеа юз бермаслиги учун аввало ҳаммамиз унинг олдини олиш учун курашишимиз, ўзимизни четга олиб қочмаслигимиз керак. Зеро, бир одамнинг қисмати, бир оиланинг тақдири, бутун бир маҳалланинг, бутун бир юрт, халқнинг тақдири, келажаги билан боғлиқ эканини сира-сира унутмаслигимиз, келажак олдида масъул, жавобгар эканимизни ҳар дам, ҳар қачон ҳис этсаккина фаровон ҳаётга эришишимиз, ёшларимизни жиноят содир этиб қўйишдан, жиноят кўчасига кириб қолишларидан асраб қолишимиз мумкин.

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?!

Абдулла ТОЙЛОҚОВ,
ҳуқуқшунос

Mushohada

КЕЛИНГ, ЎЙЛАЙЛИК

— Эрталаб соқолимни олгач, ўзимни ўн ёшга ёшаргандай ҳис қиламан, — дебди эр хотинига ваннахонадан чиқаётиб.

— Унда шу соқол қирғурни ўйқуга ётишдан олдин олсангиз бўлмайдими, — дебди хотини.

* * *

Елкасигача сочини ўстириб олган йигит навбатда турибди. Бир кампир сўраяпти:

— Яхши қиз, ҳой яхши қиз, навбатнинг охири сенми?

— Мен қиз эмасман!

— Вой, ўлақол! Шу билан ҳам мақтанасанми?

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Сайфиддин РАҲИМОВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.30

Саҳифаловчи: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчилар: Шерали НИШОНОВ, Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ

Компьютер операторлари: М. АБДУЛЛАЕВА, Д. ШОКИРОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.